Бутун дунё пролетарлари, бирлашиниз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

48 йил чиқиши

№ 282 (13.544).

1966 декабрь 11 якшанба

Баҳоси 2 тийин.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ БЕЛЬГИЯ КОММУНИСТЛАРИГА ТАБРИГИ

КПСС Марказий Комитети Бельгия Коммунистик партияси XVII съездининг делегатларига табриконма йўллади. КПСС Марказий Комитети бу табрикномасида XVII съезднинг делегатларига ва улар орқали Бельгиянинг ҳамма коммунистларига қардошлик саломини йўллайди ва съезднинг иши муваффақиятли ўтишини астойдил истаганлигини билдиради.

Пролетар интернационалиами принципларига содиқ бўлган Бельгия Коммунистик партияси, дейилади табрикномада, жаҳон коммунистик ҳаракатининг 1957 ва 1960 йиллардаги кенгашларда қардош партиялар биргаликда ишлаб чиққан ҳужжатларда белгиланган бош йўлини изчиллик билан ҳимоя қилиб келмоқда.

Бельгия Коммунистик партияси билан Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ўртасида марксизм-ленинизмнинг буюк принципларига асосланган қардошларча, чинакам тенг ҳуқуқли муносабатлар қарор топди. Совет коммунистлари белгиялик ўртоқларининг фидокорона курашини саммий ҳайрихоҳлик билан кузатиб турибдилар ва уларнинг партия сафларини ташкилий ва идеологик жиҳатдан янада мустаҳкамлаш йўлидаги ишларида, ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг ҳаракат бирлиги учун, тинчлик ва социализм учун курашда янгидан-янги муваффақиятларга эришувларини тилайдилар.

ВИЗИТ ТУГАДИ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари, СССР Олий Советининг депутати П. Н. Демичев бошчилигидаги совет парламенти аъзолари делегацияси Камбоджага қилган сафардан 10 декабрда ватанига қайтиб келди. СССР Олий совети делегацияси Камбоджа парламентининг ҳар икки палатаси — миллат мажлиси ва королик кенгашининг таклифига биноан дўстлик визити билан Камбоджага борган эди.

Делегация составида СССР Олий Советининг депутатлари — миллатлар совети план-бюджет комиссиясининг аъзоси Т. Садриддинов, Миллатлар совети мандат комиссиясининг аъзолари Р. Х. Абдуллаева ва В. В. Шевченко, Иттифоқ совети қонун лойиҳаларини тайёрловчи комиссиясининг аъзоси А. М. Школьниковлар бор эди.

Тошкент аэродромида делегацияни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолари И. Г. Анисимкин, Р. Н. Нишонов, Н. М. Матчонов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг бюро аъзолигига кандидат М. Т. Турсунов, Ўзбекистон ССР Министрлар совети раисининг ўринбосарлари Г. А. Габриельянц, С. К. Зиёдуллаев, М. З. Марзаахмедов, А. Р. Ҳўжаев ва бошқа кишилар кутиб олдилар. (ЎзТАГ).

МАКТАБ ВА ҲАЁТ

Инсоннят генийси В. И. Ленин ва у тузган шонли Коммунистик партия раҳбарлигида ер юзида биринчи бўлиб янги ҳаёт қурган ва бахтиёр ҳаёт нашъасини сураётган мамлакатимиз халқлари бахти туғилган кун — Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига қадам қўйдилар. Шу даврнинг ичида мамлакатимиз қиёфаси тубдан ўзгариб кетди. Халқларимиз ҳаётнинг ёркин ва порлоқ йўлига чиқиб олдилар.

Улуғ диёримиз ва унинг қишилари ҳаётида юз берган матта ўзгаришларнинг салмоғини биргина шу фактдан ҳам билса бўладики, бутун чор Россиясида атиги 190 минг олий ва ўрта маълумотли кишилар бўлиб, улар ҳам асосан мулкдорларга мутеларидан эди. Ҳозирги Ўзбекистонимизда халқ хўжалигида 13 миллиондан ортиқ мутахассис ишлаб турибди.

Мамлакатимизда мутахассислар сони илдам суръатлар билан ўсиб бормоқда. Фақат кейинги етти йил ичида олий ва ўрта махсус ўқув юртларимиз йилига 850 мингдан ортиқ мутахассис тайёрладилар. Бу раҳам капитализм дунёсининг энг ривожланган мамлакати—Америка Қўшма Штатларидагидан ҳам бирмунча кўпдир.

Олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг муваффақияти кўп жиҳатдан ёш авлодни илм чашмаларидан илк бор баҳраманд этиб, уни ҳаётга тайёрловчи мактабларимиз ишига боғлиқ.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг яқинда қабул қилган умумий таълим мактабларининг ишини янада яхшилаш тадбирлари ҳақидаги қарорида таъкидлаб ўтилганидек, мамлакатимизда ўзининг теранлиги ва кўлами жиҳатидан мисли кўрилмаган маданий революцияни амалга оширишда совет мактабиниг жуда катта роль ўйнади.

Иттифоқимизнинг барча халқлари ўз оналарида ўқитиладиган кенг мактаблар шохобчасига эга бўлиб, ҳамма жойда умумий мажбурий санниз йиллик таълим жорий қилинди. Минг-минглаб ёш ишчи ва колхозчилар ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларида умумий маълумотларини оширмоқдалар.

Айни пайтда партия XXIII съездида кўрсатиб ўтилганидек, ўрта мактабларимизни битириб чиқаётган ёшларнинг айрим кисми пухта билимга эга эмас, улар тарбияси да жиддий камчиликларга йўл қўйилмоқда. Кўпчилик мактабларда баъзи фанлардан ўқитувчилар етишмайди, борлари ҳам юкори малакали эмас. Бунинг устига, мактабларимизнинг ўқув-моддий базаси ҳозирги ўсиб бораётган талаблар даражасида эмас. Съезд мана шу камчиликларни рўй-рост таъкидлаб, ёш авлодга таълим бериш ва уни коммунизмнинг юксак идеаллари руҳида тарбиялаш программасини белгилаб берди.

Партия ва ҳукуматимизнинг мактаблар ишини яхшилаш ҳақида қабул қилган қарорлари ҳам худди мана шу вазифани бажаришга қаратилгандир. Мактабларимизнинг бундан бўёнги ривожида умумий таълим, меҳнат ва политехник таълим узвий равишда кўшиб олиб борилмоги даркор. Маълумки, Ватанимиз фан ва техникаси жаҳоннинг энг илгор марраларида турибди. Шундай экан, коммунистик жамият илм-фанининг муносиб намояндаларини, жамиятимизнинг актив қурувчиларини тайёрлаш, уларни зарур билимлар билан қуроллантириш, уларга юксак инсоний туйғуларни сингдириш совет мактабларига ҳаётимиз қўяётган энг муҳим талабларидандир.

Партиямиз ўрта умумий таълим мактаблари ишини янада яхшилаш соҳасида ишлаб чиққан тадбирларни муваффақиятли амалга ошириш партия, совет, комсомол ташкилотларининг энг муҳим вазифасидир.

Мактаб бутун тарбиявий ишни турмуш билан боғлаб олиб бориб, ўқувчиларга ижтимоий ривожланиш қонунларини сингдириши, уларни совет халқининг революцион ва меҳнат анъаналари руҳида тарбиялаши, уларда юксак совет ватанпарварлиги ҳиссларини ривожлантириши, уларни социалистик ватанпарварлик руҳида тарбиялаши, Совет Иттифоқидаги барча халқлар қардошларча бирлигининг, социалистик мамлакатлардаги меҳнаткашлар билан дўстлигимиз аҳамиятини очиб бериши, ўқувчилар онгига чирик идеологиянинг суқулиб киришига, ёт ахлоқ кўринишларига қаршн кескин кураш олиб борищи лозим.

1970 йилга бориб мамлакатда ёш авлод кини каминий ўрта таълимни жорий қилишни асосан тугаллаш вазифаси кун тартибида турибди. Бу муҳим вазифани муваффақиятли ҳал этиш учун республикамиз партия, совет ташкилотлари, маориф органлари ва тегишли идора ҳамда муассасалар беш йиллик мобайнида умумий таълим мактаблари шохобчаларини кенгайтириш ва шу мактабларда ўқувчилар сонини кўпайтиришни таъминлаш, янги-янги мактаблар қуришга доир план топшириқларининг бажарилишини таъминлаш, мактабларнинг ўқув-моддий базасини мустаҳкамлаш иши билан яқиндан шуғулланишлари зарур.

Қарорда ўрта таълимни янада такомиллаштириш, мактаблар ишида зарур барқарорлик вужудга келтириш, политехника таълими ва меҳнат тарбияси бериш принципларини изчиллик билан амалга ошира бориш мақсадида илмий асосланган ўқув планлари ва программаларини жорий қилиш вазифаси маориф органлари зиммасига юкланди. Министрлик республикамиз шароити кўзда тутилган ҳолда мана шу ўқув плани ва программаларини ишлаб чиқиши, бунда ўқитилаётган фанларнинг мазмуни фан, техника ва маданиятимизни ривожлантириш талабларига мос бўлиши, фан асосларини ўрганишда давомийлик бўлишини таъминлаш, ўқитилаётган фанларни ўқув йилларига оқилона тақсимлаш, ўқув машғулотлари билан ҳаддан ташқари банд бўлиб қолишни бартараф қилиши даркор.

Ўқув планлари тузишда меҳнат ва ўқиш эгизан деган ленинча қоидага амал қилиш, программалар ҳаёт талабига жавоб бериши ўйлаш зарур. Бунда шу нарсани эсда тутиш зарурки, мактаб ўқувчиларининг энг асосий иши ўқиш, билим олишдир. Шуннинг учун ҳам ҳамма нарса шу мақсадга қаратилиши зарур. Эндиликда мактаб ўқувчиларини ўқув программаси талабларига жавоб бермайдиган ҳар қандай нозарур ишлардан, қишлоқ хўжалик ишларига жалб этишдан воз кечиш вақти келмадимикин?! Тегишли партия ва совет ташилотлари шу ҳақда жиддий ўйлаб кўрсалар бўларди.

Ўқиш ва тарбия беришнинг самаралилигини таъминлаш кўп жиҳатдан ўқитувчиларга боғлиқ. Тошкент шаҳридаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени 24-ўрта мактаб, Ленинград районидаги 1- ўрта мактаб ва республикамиздаги қатор илгор педагогик коллективлар буни ҳисобга олиб, ўқитувчиларнинг билим ва малакасини оширишга жиддий эътибор бермоқдалар. Афсуски, ҳамма жойда ҳам шундай қилиняпти деб бўлмайди. Бизда, ҳали ўқувчиларни тарбия қилиш у ёқда турсин, гоҳо ўзи тарбияга муҳтож тарбиячилар ҳам йўқ эмас.

Ёш авлодни жамиятимизнинг ҳаётбахш идеаллари руҳида тарбиялаб, уни коммунизмнинг актив курашчилари қилиб етиштириш, таълим-тарбия ишларини янада ривожлантириш барча партия ва совет ташкилотларининг, бутун жамоатчиликнинг бурчи эканлигини асло унутмаслик керак!

БЕШ ЙИЛЛИК ЗАФАРЛАРИ

Узбекистон ССР Қишлоқ қурилиши министрлиги «Сурхансовхозстрой» 11-қурилиш трестининг коллективи беш йиллкнинг биринчи йилидаги қурилиш-монтаж ишлари планини муддатидан илгари бажардилар.

Трестнинг бинокорлари ва монтажчилари йил охиригача пландан ташқари 1 миллион 200 минг сўмлик турли ишларни бажаришга қарор қилдилар.

□ □

Сурхондарё областнинг чорвадорлари давлатга сут сотиш ва топшириш планини бажарганликлари ҳақида муддатидан қарийб бир ой олдин — 5 декабрда рапорт бердилар. Тайёрлов пунктларига 20.700 тоннадан кўпроқ сут етказиб берилди. Термиз ва Шеробод районларидаги фермаларнинг ходимлари айниқса яхши меҳнат қилдилар.

Сут топшириш давом этмоқда.

□ □

Коммунистик меҳнат корхонаси деган қутлуғ номга мушарраф бўлган Янгийўл колбаса тажриба заводи коллективи Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги шарафига муносиб меҳнат совғалари тайёрлаш учун мусобақани ғалабали ниҳоя қилмоқда. Баракали меҳнат ўз самараларини беряпти. Беш йиллкнинг биринчи йили учун белгиланган план 9 декабрда орттириб бажарилди.



«Ташсельмаш» заводи коллективи беш йиллкнинг биринчи йилида мамлакатимиз пахтакорларига камида 8 мингта терим агрегати тайёрлаб бериш учун мусобақани авж олдирмоқда. Суратда: йигувчи слесарь ўртоқ Н. Емельянов тайёр бўлган пахта териш машинасини жўнатишга ҳозирланяпти. И. Глауберзон фотоси.

САМАРҚАНД ТУҲФАЛАРИ

⊙ Гигичка кон бошқармаси — областнинг йирик корхонаси. Бу ерда биринчи декабрдан бўён муборак беш йиллкнинг иккинчи йили ҳисобига маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Конга қарашли бир қатор бригада, участка, шахталарда шу кеча-кундузда 1967 йилнинг февраль ва март ойлари ҳисобига маъдан қазиб олиняпти. Каттақўрғон ноғ, ун, гўшт комбинатларидан ҳозир келгуси йил ҳисобига тайёрланган маҳсулотлар ортиб жўнатилмоқда.

⊙ Область деҳқонлари юбилей йилнинг мўл ҳосил етиштириш билан якунлаш тараддудини кураётирлар. Деҳқонларга ҳамиша ҳамкор бўлган ирригаторлар уларга ёрдамни тобора кучайтирмоқдалар. Самарқандлик ирригаторлар КПСС Марказий Комитетининг май Пленуми қарорларини амалга ошириб, шу ойнинг бошидаёқ суғориш шохобчалари ва ирригация иншоотларида қурилиш-монтаж ишлари йиллик планларини 112 процент қилиб бажаришга муваффақ бўлдилар. Хўжабўстон, Марказий Мианкал ва Янги каналларида капитал қурилиш ва бетонлаш ишлари бўйича йиллик топшириқ ҳам ортиғи билан адо этилди. Область колхозларида қарийб 1000 гектар қўриқ ва партов ерлар ўзлаштирилди. Область суғориш системаси бошқармасининг ирригаторлари келгуси йилда далаларда сув равон оқишини таъминлашга аҳд қилиб, декабрь ойи охиригача яна камида 200 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажариш учун мусобақа байроғини тобора баланд кўтараётирлар.

⊙ Шофер В. Анисимов, кран машинисти С. Кошелюк, А. Зикиряев, такелажчи И. Иброҳимов, Х. Селимашев ўртоқлари қишлоқдагилар нур элтувчи аъматлар дейдиган бўлиб қолдилар. Ҳақиқатан ҳам улар бу қутлуғ номга яраша баракали меҳнат қилмоқдалар. Шундай кишиларнинг ғайрат-шижоати билан ҳозир Каттақўрғон —Лангар юқори вольтли электр узатиш линияси қийин тоғлик шароитида ҳам тез барпо қилиняпти. «Средазэлектросетьстрой» трестининг Самарқанддаги 48-механизацилашган колоннаси коллективи электрлаштириш ишларини жадал олиб боришда алоҳида ибрат кўрсатмоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ областдаги юзлаб колхоз, совхоз ва аҳоли яшайдиган пунктлар Ильич нури билан чароғон этилди. Яқинларда 17 километр узунликдаги Зирабулоқ — Мирбозор — Хатирчи электр узатиш линияси муддатидан илгари фойдаланишга топширилди.

СМОЛЕНСККА ВАТАН УРУШИ ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

СМОЛЕНСК, 10 декабрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Бугун область драма театрида шаҳар меҳнаткашларининг Смоленскка Биринчи даража Ватан уруши ордени топширилишига бағишланган тантанали йиғилиши бўлди.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси Г. И. Воронов мукофотни топширди. Г. И. Воронов йиғилишда нутқ сўзлади.

СОВЕТ ҚУРИЛИШИ ТЕМАСИДА

ИШОНЧ

Жуманиёз ота колхоз тузганлардан бири. Илгари кўп қийинчиликларни бошидан кечирган, бойлар эшигида ишлаган. Кўплар қатори у ҳам Совет ҳокимияти даврида бахт топди. Ҳалол меҳнат қилди, обрў ортдирди. Бутун куч-ғайратини, қалб ҳароратини пахтачиликни юксалтиришга, жонажон колхозини яшнатишга бағишлади. Омочни қўйиб, тракторга ўтирди. Қизи Ойша ўсиб-улгайиб, ота касбини қўлга олгунича пенсияга чиқмади.

— Биламан, қизим, техникага ихлосинг зўр. Ўқи. Ўрган. «Пўлат от» қанотинг бўлсин, касбингдан, меҳнатингдан барака топ,— Жуманиёз ота нури дийдаси Ойшани шундай деган эди. Ҳозирги кунда Ойша ўсиб-улгайиб, ота касбини қўлга олгунича пенсияга чиқмади.

— Биламан, қизим, техникага ихлосинг зўр. Ўқи. Ўрган. «Пўлат от» қанотинг бўлсин, касбингдан, меҳнатингдан барака топ,— Жуманиёз ота нури дийдаси Ойшани шундай деган эди. Ҳозирги кунда Ойша ўсиб-улгайиб, ота касбини қўлга олгунича пенсияга чиқмади.

Ойша ўқишни тамомлади. Ота таълимини олди. Турмуш ўртоғи тажрибали механизатор Матёқубнинг ёрдамида малакасини оширди. Биринчи йили юз тоннага яқин, кейинги мавсумларда 140-150 тоннадан «оқ олтин» териб, довруг қозонди.

1960 йилда Ойша Жуманиёзова ҳаётида энг қувончли воқеа юз берди. У КПСС сафига қабул қилинди. Меҳнатсевар, ташаббускор коммунист звенога бош бўлиб, биринчи йилиёқ гектаридан 45 центнердан пахта етиштирилишига эришди.

Шон-шараф, қаҳрамонлик иши бўлган меҳнат бизда ҳамиша ўз қадрини, муносиб баҳосини топади. 1962 йилда хоразмликлар оддий деҳқон қизи Ойша Жуманиёзовани СССР Олий Советига депутат қилиб сайлашди. У, халқ хизматкори сифатида ўзига кўрсатилган юксак ишончни оқлаб, бу йил 12 июнда иккинчи марта буюк шарафга — СССР Олий Совети депутатлигига сайланишга сазовор бўлди.

Ойша Жуманиёзова 1963 йилдан буён бригада бошлиғи. У, ажойиб механизатор Турсуной Охунова ташаббусига қўшилиб, қолоқ бригадани илғорлар сафига қўшишда жасорат ва ташкилотчилик кўрсатди. Бригадада пахта ҳосилдорлиги 35 центнердан 45 центнерга кўтарилди. Комплекс механизацияни дадил жорий этиш туфайли маҳсулот таннархи арзонлашди.

СССР Олий Совети депутати Ойша Жуманиёзованинг ишдаги муваффақиятларига, унинг катта обрў ва иззат-ҳурмат қозонишига бонс нима? Бу — халқ хизматкорининг олижаноб фазилатлари, эл ишига, одамларга яхшилик қилишга доимо енг шимарганлигида. У, сайловчилар наказини бажариш, кишилар қалбига йўл топиш учун куч-ғайратини, вақтини аямайди.

Бригада бошлиғи Раҳима Ҳайдарова депутатни колхозчилар номидан ўз бригадасига таклиф этди. Самимий суҳбат, тажриба алмашув бўлди. Ўзаро ёрдам, мусобақа бошланди. Р. Ҳайдарова бригадасида ҳосилдорлик кескин ошиб, 45 центнерга етказилишида О. Жуманиёзованинг хизмати катта бўлди.

Сора Собирова, Гулжон Одамбоева каби кўп болали оналар наказн бажарилиб, Урганч районидаги «Пахтакор» колхозида 60 ўринли болалар боғчаси қурилди, янги туғруқхона қад кўтарди. Депутат О. Жуманиёзова Хива районидаги «Москва» колхозида ҳаммом қурилишини тезлатишга амалий ёрдам кўрсатди.

Область ва районда ўтказилган йиғинларда, кенгашларда Ойша Жуманиёзова хотин-қиз механизаторлар тайёрлаш, машина терими ва қишлоқ маданиятига доир принципиал масалаларни кўтариб чиқиб, бир қатор конкрет тадбирларнинг амалга оширилишига эришди. Р. Отажонова, Т. Аҳмедова, О. Қурбонбоева каби қизлар унинг ёрдамида техникани эгаллаб олишди.

Дала шийпонини қандай қуриш, жиҳозлаш ва безатиш керак? Ойша Жуманиёзова бригадасида ўтказилган кўрикда ҳамма колхозлардан келган меҳмонлар бу саволга тўла жавоб олдилар. Шундан кейин областда намунали шийпонлар кўпайди.

Ойша Жуманиёзова продаси мустаҳкам, одамларга меҳрибон, камтар жувон. Тўғри маслаҳати, холис ёрдами билан кишиларни мамнун этади. Сайловчилар наказини сидқидилдан бажаради, улар олдида ҳисоб бериб туради.

Хоразм меҳнаткашларининг Совет ҳокимияти Олий органидаги вакили, Урганч районидаги «Пахтакор» колхозининг бригада бошлиғи Ойша Жуманиёзова халқ ишончини, эл-юрт олдидаги бурчини муносиб оқламоқда.

Ф. ЗОҲИДОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

МАРРА—50 ЦЕНТНЕР

Асад ака билан кўп йиллик қадрдонмиз. Ошнамиз илгари сабзавотчи эди. Тўққиз йилдан буён пахтачилик бригадасига бошчилик қилади. Ҳар гал колхозга борганимизда у киши билан учрашиб, суҳбатлашиб қайтамиз. Пахтачилик даргоҳига қадам қўйган дастлабки йили ҳам одатимиз канда бўлмади. Бригада плани ўринлаган куни муборакбод этишга бордик.

— Раҳмат — деди дўстимиз табрикка жавобан маъюс ҳолда. Ҳайрон бўлдик. План тўлса-ю, кувонши ўрнига хафа кўринса! Савол-жавобдан сўнг сир ошкор бўлди. — План тўлди, — сўзини давом эттирди у, — пахтанинг сорти яхшиланди, таннархи арзонлашди. Даромад ҳам кўпайди. Аммо ҳосилдорликда бошқа бригадалардан орқада қолганимиз алам қилянти. Бултур кузда ерни шудгорлаб ололмаганимизнинг оқибати шу бўлди.

Ер ҳайдасанг куз ҳайда — куз ҳайдамасанг юз ҳайда, деб бежиз айтмаган бобо деҳқонлар, — лукма ташлади ўтирганлардан бири.

— Тўғри гап — маъқулладди Асад ака, — ерини кузда шудгорлаб олган деҳқон мўл ҳосилга хамиртуруш ташлади дегаверинг. Буни кўзимиз билан кўриб турибмиз. Колхозимизда Жаъфар ака Ражабов деган бригада бошлиғи бор. Ҳар йили кузда бир қарич ерни қолдирмай шудгорлатади. Шу сабабли ҳосил йилдан-йилга ошса ошадики, камаймайди. Мен ўтган йили янгилик қилиб догда қолдим. Бу йил ярим қарич ерни ҳам қолдирмай шудгорлатаман.

Орадан бир йил ўтди. Октябрь ойининг ўрталарида Асад акадан телеграмма олдик. Унда бригада колхозда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш планини бажаргани, ҳосилдорлик гектарига 5 центнер кўтарилгани баён этилган эди. Қувондик. Орадан бир ҳафта фурсат ўтар-ўтмас колхозга борганимизда бригада 35 центнерли пахта хирмонига ғалаба байроғи тиккининг гувоҳи бўлдик. Бу йил мирзакор пахтакорлар 90 гектар майдоннинг ҳар гектаридан салкам 45 центнердан «оқ олтин» кўтариб, катта меҳнат ғалабасига эришдилар. Пахта байрами куни Асад ака билан учрашиб, мириқиб суҳбатлашдик.

— Хўжалик йили кўнгилдагидек якунланяпти — деди у гурур билан, — колхозимизда пахта тайёрлаш планини бажармаган бирорта бригада ёки звено қолмади. Ҳосилдорликда биз биринчи ўринни эгалладик. Бундай муваффақиятнинг «сири» нимада? Агротехника муддатида ўтказилган кузги шудгор мўл ҳосилнинг гарови бўлаётир. Ҳосил тўла йиғиштириб олиниши билан шудгорни бошлаймиз. Аввалларн йиғим-терим чўзилиб кетиб, далани ғўзапоядан тозалаш кечикарди, шудгорни вақтида ўтказиш имконияти бўлмасди. Сўнгги вақтларда терим машиналаштирилиши туфайли ҳосил йиғим-терими муддати қисқарди. Бор ҳосилни совуқ тушгунча саранжом-саришталаб олиш имконияти туғилди. Бу, шудгорлашни ҳам барвақт тугаллаш мумкин деган сўз.

Энг яхши агротехника муддатида, юқори сифатли шудгор қилинган ердан кўп нам тўпланади ва у узоқ сақланади. Баҳорда ана шу намга чигит ундириб олинади. Биз шудгорлашдан олдин ерни ўғитлаймиз. Шундан кейин агдарма плуг билан ҳайдалади. Бунинг икки жиҳатдан фойдаси бор. Аввало, ер агдариб ҳайдалиши билан юзадаги ўғит тупроқнинг остки қатламига тушиб, унинг унумдорлигини оширади, чигит ерга ташланиши билан озуқадан баҳраманд бўлади.

Кузги шудгор вақтида ишнинг сифатига катта эътибор берамиз. Ҳайдалмаган бир қарич ҳам ер қолдирилмайди. Ер 32-35 сантиметр чуқурликкача юмшатилади. Шундай қилинганда нам ерга яхши сингади, қаттиқ совуқ бўлганда тупроқ қатлами музлаб, ҳашаротлар қирилиб кетади. Ерни саёз ҳайдашга йўл қўйилмайди. Шудгорланган ерни қишлоқ хўжалик мутахассислари иштирокида бригадир қабул қилиб олади.

Шудгор вақтида экин майдонларининг текис бўлишига ҳам аҳамият берамиз. Бунинг боиси бор. Шудгорланган ер текис бўлса, баҳорда деҳқонларнинг иши енгиллашади, бороналадб ёки чизеллаб чигит экилаверади. «Баҳорда ерни ҳайдаб чигит экамиз» деган деҳқон ўзини-ўзи алдайди.

Асад ака ўтган йиллар тажрибасига амал қилиб, бу йил ҳам кузги шудгорни соз ва сифат кўрсаткичи бўйича муваффақиятли тугаллаганини айтди. У, беш йиллкнинг биринчи даврасида пахтадан юқори ҳосил олишга улкан ҳисса қўшган кишиларнинг номини фахр билан тилга олди. Бригада давлат омборига 410 тонна юқори сорт «оқ олтин» тўкди. Ана шу ҳосилни етиштириш, тез ва тоза терб олишда, пунктга етказиб беришда Ҳосият Зокирова, Ойдин Бахромова, Зоҳри Мухторова, Қўйсин Зиёдуллаева, Ҳадича Пирмўлова каби теримчилар, Раҳмат Мусаев, Иброҳим Сайдаҳмедов сингари механизаторлар алоҳида ўрнак кўрсатдилар. Пигим-терим қирқ кунда тўла тугалланди.

— Ҳалол меҳнат катта даромад келтирди. Колхоз, бригада, бинобарин колхозчиларнинг ҳам даромади кескин кўпайди — дейди Асад ака. — Мана бир мисол. Ўтган йили бригадамиздаги ҳар бир ишдовчининг ойлик иш ҳаки 180 сўмни ташкил этган бўлса, бу йил 200 сўмни ташкил этди. Меҳнат минимумини ошириб бажарган кишилар катта мукофот олдилар. Даромад кўпайгач, турмушимиз ҳам фаровон бўлаётир. Шу кунларда ҳалол меҳнат ғалаба ва ютуқлар суриб тўй-тўйлашяпмиз. Шу билан бирга келаси йил ҳосили учун тараддудни ҳам унутаётганимиз йўқ.

Жиззах районидаги «Москва» колхозининг Асад ака Мўминов бошлиқ бригадаси аъзолари Пахта байрамини 45 центнерли «оқ олтин» армуғони билан кутиб олган эдилар. Улар келаси йили 50 центнерли маррани кўзламоқдалар. Ленин орденли Жаъфар Ражабов, Ҳусанбой Қодиров, Солижон Раҳимжонов, Исроил Хўжаназаров ўртоқлар бошлиқ машъал бригадалар аъзоларининг ҳиммати ҳам бундан кам эмас. Уларнинг сўзи билан иши бирлигига ҳамма ишонади.

М. НАЗАРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.

Деҳқон бўлсанг шудгор қил!

Республика областларида кузги шудгорлашнинг борили тўғрисида 1966 йил 10 декабрга бўлган

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида)

Биринчи стун — областлар, иккинчи стун — бир кунда ҳайдалган ер, учинчи стун — мавсум бошидан буён.

Тошкент	1,0	97,3
Самарқанд	2,3	95,9
Сирдарё	2,3	89,4
Хоразм	0,8	85,1
Қашқадарё	1,9	83,8
Бухоро	3,8	82,7
Андижон	2,5	80,6
Сурхондарё	3,9	60,3
Фарғона	2,0	58,8
ҚҚ АССР	0,1	20,4
Республика бўйича:	2,2	80,4

КАСАБА СОЮЗ ҲАЕТИ

ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИ МУСОБАҚАСИ

КПСС XXIII съезднинг тарихий қарорларида ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақини, колхозчиларнинг жамоат хўжалигидан оладиган даромадларини ошириш, ҳамма колхозларни гарантияланган иш ҳақи тўлашга кўчириш, жамоат фондидан нафақалар ва имтиёзлар тўлашни кўпайтириш, ишчилар, хизматчилар ва колхозчиларга пенсия тўлашни яхшилаш қисобига халқ моддий фаровонлигини янада ошириш кўзда тутилган.

Партия ва ҳукуматимизнинг қишлоқ меҳнаткашлари фаровонлигини ошириш соҳасидаги ғамхўрлиги совхоз ишчилари, колхозчиларнинг меҳнат ғайратини янада ошириб юборди. Улар ҳар қачонгидан ҳам мўл пахта ҳосили етиштирдилар. Беш йилликнинг дастлабки йилида давлат 4 миллион 70 минг тонна ўзбек пахтасини олди. Республикамиз бундай «оқ олтин»ни ҳали ҳеч қачон етиштирмаган эди.

Беш йиллик планнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш соҳасидаги топшириқларини муваффақиятли бажариш, колхозчилар, ишчилар, қишлоқ хўжалик мутахассисларининг меҳнат активлиги ва ижодий ташаббускорлигини, меҳнат унумдорлигини янада ошириш, маҳсулот таннархини камайтириш, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни ва харид қилишни кўпайтириш мақсадида СССР Министрлар Совети ва қасаба союзлари Бутуниттифоқ Марказий совети 28 июлда «Қишлоқ хўжалигида Бутуниттифоқ социалистик мусобақани ташкил этиш ҳақида» карор чиқардилар.

Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида голиб чиққан областлар, ўлкалар, автоном республикалар ва районлар, колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик органларини рағбатлантириш учун СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғи шунингдек, қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш ташкилотлари ишчи ва хизматчилари қасаба союзлари Марказий Комитетининг, тегишли министрликлар ва ташкилотларнинг кўчма Қизил байроқлари таъсис этилди. Жумладан, бизнинг республикамиз учун СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг 9 та кўчма Қизил байроғи ажратилди. Бу кўчма Қизил байроқлар билан бирга биринчи пул мукофотлари ҳам берилади. Чунончи областлар учун 25 минг сўм пул мукофоти билан битта кўчма Қизил байроқ, районлар учун 10 минг сўм пул мукофоти билан иккита кўчма Қизил байроқ, совхозлар ва қишлоқ хўжалик министрлигининг бошқа давлат корхоналари учун иккита Қизил байроқ ҳамда колхозлар учун, уларда ишлаётганларнинг сонига қараб ҳар бири 800 сўмдан то 76500 сўмгача пул мукофоти билан 4 та Қизил байроқ таъсис этилди. Бундан ташқари СССР Қишлоқ хўжалик министрлиги ва қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзлари Марказий Комитетининг колхозлар учун 6 та ва совхозлар учун 7 та кўчма Қизил байроқлари таъсис этилди.

СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС СССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги корхоналари ва ташкилотлари коллективларини рағбатлантириш учун 9 та кўчма Қизил байроқ, «Союзсельхозтехника» бирлашмаси ташкилотлари учун 8, СССР Министрлар Советининг тайёрлаш комитети корхоналари учун 14 Қизил байроқ ажратдилар.

Шунингдек, мазкур министрликлар ва идораларнинг ташкилотлари учун қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзлари Марказий Комитети ва СССР тегишли министрликлари ва ташкилотлари томонидан 143 кўчма Қизил байроқ таъсис этилди. Юқорида тилга олинган қарорда иттифоқчи республикалар министрлар Советларига колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалик, сув хўжалик органлари, «Сельхозтехника» ва тайёрлаш ташкилотларида социалистик мусобақани ташкил қилиш масаласини кўриб чиқиш тавсия этилган.

Шунга кўра, қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи республика комитетининг таклифига биноан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари Совети шу йилнинг 30 ноябридаги қарори билан 1966 йилнинг IV кварталидан бошлаб Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги учун Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва касаба союзлари Республика Совети 9 кўчма Қизил байроқ таъсис этдилар.

Шу тарика, республика қишлоқ хўжалик министрлигига қарашли 12 совхоздан биттаси ва министрликнинг бошқа ташкилотлари социалистик мусобақада эришган муваффақиятлари учун мукофот олиши мумкин. Мусобақада голиб чиққан 22 колхоздан биттаси давлат бюджети ҳисобидан пул мукофоти олади.

Бошқа министрликлар ва қишлоқ хўжалик ташкилотлари учун кўчма Қизил байроқлар ва мукофотларнинг сони анча кўпайтирилди. Чунончи, «Главсредазирсовхозстрой» корхоналари ва ташкилотлари учун 9 та, «Узглавзаготскотооткорм» учун 3 та, «Узглавводстрой»га 6 та, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигига 4 та, «Узсельхозтехника» бирлашмасига 11 та, Ўзбекистон ССР дон маҳсулотлари министрлиги ҳамда озуқа комбинати учун 6 та мукофот таъсис этилди. Яқинга қадар республикамизда мазкур соҳалар учун атиги 32 мукофот ёки ҳар 29 хўжалик учун 1 мукофот белгиланарди. Энди мукофотлар сони 99 тага етди. Бу ҳар 14 хўжаликка биттаданга тўғри келади.

Совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақа натижалари йилига икки марта (ярим йиллик ва бутун йил бўйича), колхозлар ва мавсумий тармоқлар бўйича (масалан, Ипакчилик бош бошқармаси), бир марта бошқа давлат корхоналари ва ташкилотлари бўйича ҳар кварталда 1 марта якунланади. Мусобақа натижаларини якунлаш касаба союз ташкилотлари, министрликлар ва идораларга топширилган.

Областларда колхозлар, совхозлар, «Ўзсельхозтехника» ташкилотлари, Мелиорация ва сув хўжалиги министрлиги идоралари ўртасидаги мусобақа натижалари тегишли область ташкилотлари ва қишлоқ хўжалик ишчи, хизматчилари касаба союзи область комитети томонидан якунланади. Улар чиқарган қарор Республика комитети, шунингдек тегишли министрлик ва идораларга юборилади. Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси якунлари бўйича кўчма Қизил байроқ бериш ва пул билан мукофотлаш қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзлари Марказий Комитети Президиуми ва СССРдаги тегишли министрликлар ва идораларнинг коллегиялари қарори билан амалга оширилади. Республика мусобақаси голиблари учун кўчма Қизил байроқ ва пул мукофоти касаба союзлари республика комитети Президиумининг ҳамда республика министрликлари ва идоралари коллегиялари қарори асосида топширилади.

Шуниси характерлики, пул мукофотлари асосан социалистик мусобақада ўзини кўрсатган айрим колхозчилар, ишчилар, шунингдек мутахассисларга берилади. Пул мукофотининг бир қисми қишлоқ хўжалик ходимларига маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш учун сарфланади.

Колхозлар, совхозлар ҳамда бошқа корхоналар ва ташкилотлар бўйича Бутуниттифоқ ва республика социалистик мусобақаси натижаларини якунлашда асосий кўрсатгичлар бўйича топшириқларнинг бажарилишини ҳисобга олиш билан бирга, меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлигининг аҳволи, меҳнат интизоми, ишчиларни ўқитиш ва малакасини ошириш, меҳнатнинг илғор усуллари, мусобақанинг янги формаларини қўлланиш ҳам назарда тутилиши лозим.

Қишлоқ хўжалик коллективлари ва ташкилотларининг 1966 йил III квартал давридаги социалистик мусобақаси якунлари бўйича, СССР мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг коллегияси ва қишлоқ хўжалик ишчи ва хизматчилари касаба союзлари Марказий Комитети Президиумининг қарорига кўра СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг кўчма Қизил байроғи ҳамда 67 минг 500 сўмлик биринчи даражали пул мукофоти «Голодностепстрой» бошқармаси коллективига берилди. СССР Министрлар Совети ва ВЦСПСнинг яна бир кўчма Қизил байроғи ҳамда 2500 сўмлик пул мукофоти «Ўзсельхозтехника»нинг Пахтаорол район бирлашмаси коллективига берилди. Шунингдек, СССР Министрлар Совети давлат тайёрлаш комитети ва касаба союзлари Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ҳамда 5250 сўмлик пул мукофоти Тошкент 2-ун комбинатига топширилди. Бутуниттифоқ «Союзсельхозтехника» бирлашмаси ва қишлоқ хўжалик ходимлари касаба союзи Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроқлари ҳамда пул мукофотлари «Ўзсельхозтехника» Тўрақўрғон район бирлашмаси, Қўйлиқ ремонт-механика заводи ва «Ўзсельхозтехника» Калинин район бирлашмаси савдо базасига берилди. Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг 3- пул мукофотини Сирдарё областидаги «Малик» совхози коллективига беришга қарор қилинди.

Бундан ташқари, касаба союзлари Республика комитетининг Президиуми республика министрликлари ва идоралари коллегиялари билан маслаҳатлашиб кўчма Қизил байроқ ва биринчи даражали пул мукофотларини III квартал якунлари бўйича саккизта корхона коллективларига топширди; иккинчи даражали пул мукофотлари 5 коллективга, учинчи даражали пул мукофотлари 6 корхона коллективларига берилди. Шунингдек 24 коллективда иш яхши йўлга қўйилганлиги таъкидлаб ўтилди.

Шу кунларда ишчилар хизматчилар, инженер ва техниклар, колхозчилар ўртасида Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақа қизитиб юборилди. Андижон областидаги машъал «Савай» совхози коллективи бу мусобақанинг ташаббускори бўлиб чиқди. Ҳеч шубҳа йўқки, колхозлар, совхозлар, қишлоқ хўжалик органлари ва ташкилотларининг коллективлари бундан кейин ҳам социалистик мусобақани янада қизитиб, коммунизмнинг моддий-техника базасини яратишга муносиб ҳисса қўшадилар. Совет ҳокимиятининг 50 йиллиги ва Владимир Ильич Ленин туғилган куннинг 100 йиллик юбилейини меҳнатда янги-янги ютуқлар билан кутиб оладилар.

И. МУҲИДДИНОВ.

Қишлоқ хўжалик ва тайёрлаш органлари касаба союзи ишчи ва хизматчилари Республика Комитетининг раиси.

СССР ОЛИЙ СУДИНИНГ ПЛЕНУМИ

Яқинда А. Ф. Горкин раислигида СССР Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Пленум РСФСР Олий судининг раиси Л. Н. Смирнов, Арманистон ССР Олий судининг раиси А. А. Алексанян, Молдавия ССР Олий судининг раиси Х. Я. Зинган ва СССР Олий суди раисининг биринчи ўринбосари В. В. Куликовларнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг жиноятчиликка қарши курашки кучайтириш чоралари тўғрисидаги қарорларидан келиб чиқувчи вазифаларни судлар қандай бажараётганлиги тинглади.

Пленум РСФСР Олий судининг раиси Л. Н. Смирнов, Арманистон ССР Олий судининг раиси А. А. Алексанян, Молдавия ССР Олий судининг раиси Х. Я. Зинган ва СССР Олий суди раисининг биринчи ўринбосари В. В. Куликовларнинг КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг жиноятчиликка қарши курашки кучайтириш чоралари тўғрисидаги қарорларидан келиб чиқувчи вазифаларни судлар қандай бажараётганлиги тўғрисидаги докладларини тинглади.

Қабул қилинган қарорда жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш ҳар бир жиноий ишни ёки маъмурий ҳуқуқни бузиш тўғрисидаги материални тўлиқ, атрофлича ва объектив тергов қилиш тўғрисидаги қонунларнинг талабларига аниқ риоя қилган ҳолда амалга оширилиши лозим эканлиги судларга кўрсатиб ўтилди. Пленум ўз қарорида СССР Олий Совети Президиуми 1966 йил 26 июлда «Безорилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» деб чиқарган фармонига мувофиқ, ашаддий безорилар нинг ҳаракатларида айбни оғирлаштирувчи, деб топилган ҳолатларни синчиклаб текшириш ва аниқлаш муҳимлигини таъкидлади.

СССР Олий суди гражданлик ишлари бўйича суд коллегиясининг раиси В. Е. Панюгининг доклади юзасидан пленум ихтирочилар ва рационализаторлар даъволарига доир ишларни ҳал қилишнинг судлов практикаси тўғрисидаги масалани ҳам қараб чиқди.

СССР Олий судининг пленуми СССР Олий суди раисининг ва СССР Бош прокурорининг гражданлик ишлари ва жиноий ишлар хусусидаги норозиликларини қараб чиқди.

Пленум ишида СССР бош прокурорининг биринчи ўринбосари М. П. Маляров, баъзи бир область судларининг раислари ва халқ судьялари қатнашдилар.

Ўзбекистон энергетика ва автоматика илмий текшириш институтининг ҳисоблаш маркази институтнинг ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва энергетика масалалари билан боғлиқ бўлган вазифаларини ҳал қилади, шунингдек, Тошкент шаҳар қурилишларида қурилиш конструкцияларини ҳисобга олиш соҳасида иш олиб боради. Суратда: бош инженер Миржалил Еқубов «БЭСМ-2М» электрон-ҳисоблаш машинасини бошқариш пульти олдида.

И. Глауберзон фотоси.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

МУКОФОТ МУБОРАК, ШИФОКОРЛАР! *)

Совет халқининг соғлиғини сақлаш, медицина фани ва медицина саноатини ривожлантириш соҳасидаги катта хизматлари учун СССР Олий Совети Президиумининг 1966 йил 2 декабрдаги Фармонига мувофиқ соғлиқни сақлаш ва медицина саноати ходимлари СССР орден ва медаллари билан мукофотланди.

Шу жумладан Ўзбекистон ССРдан қуйидагилар мукофотланди:

«МЕҲНАТДА ЎРНАК КЎРСАТГАНЛИГИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

Анбаров Собир — республика бўқоққа қарши кураш диспансерининг бош врачи.

Алиев Тагир Алиевич — 2-тери-венерология диспансерининг врачи.

Алимова Фотима Шокировна — 22-поликлиниканинг врачи.

Антонова Людмила Елизаровна — Ўзбекистон ССР Халқ контроли комитетининг инспектори.

Арутюнова Анна Ильинична — 1-болалар сил касаллиги касалхонаси бўлимининг мудири.

Аҳмедова Кашифа Зокировна — 10-шаҳар клиник касалхонаси бўлимининг мудири.

Гайнутдинова Зайнаб Файзирахмоновна — 1- болалар поликлиникасининг врачи.

Ильина Галина Георгиевна — республика онкология диспансерининг врачи.

Ильинский Игор Ийлевич — Санитария, гигиена ва профессионал касалликлар илмий-текшириш институти директорининг ўринбосари.

Эшонхўжаева Матлуба — 4-поликлиниканинг медицина ҳамшираси.

Қодиров Кашиф Соатович — 7-шаҳар болалар касалхонаси бўлимининг мудири.

Қорабоев Алим — 8-поликлиниканинг фельдшери.

Кузьмина Елизавета Андреевна — 1-туғруқхонанинг старший медицина ҳамшираси.

Лапидус Владимир Исаакович — Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги дорихоналар бош бошқармаси бўлимининг бошлиғи.

Ломанин Виктор Алексеевич — 1-республика касалхонаси бўлимининг мудири.

Мирисмоилов Маҳмуд — Тошкент вакцина ва сиворотка илмий-текшириш институти лабораториясининг мудири.

Миронова Елизавета Васильевна — тери-венерология диспансерининг санитаркаси.

Мирақубова Раҳима Мирёқубовна — Сил касалликлари илмий-текшириш институти касалхонасининг врачи.

Мўминов Ҳамид — Ўзбекистон ССР Соғлиқни сақлаш министрлиги бошқармаси базасининг кладовщиги.

Мусаев Абдулла Исаевич — Н. А. Семашко номли Ўзбекистон Курортология ва физиотерапия илмий-текшириш институти касалхонасининг врачи.

Нуъмонов Ҳолмат Нуъмонович — Сил касалликлари илмий-текшириш институти касалхонаси бўлимининг мудири.

Низеваева Наталья Николаевна — 1-республика касалхонасининг медицина ҳамшираси.

Павлова Вера Васильевна — 3-болалар поликлиникасининг врачи.

Пивний Иван Иванович — касаба союзлари курортлар бошқармаси Ўзбекистон республика советига қарашли «Обираҳмат» дам олиш уйининг директори.

Пинхасова Эсия Рахминовна — 26-поликлиниканинг врачи.

Пирмуҳамедова Мера Нурмуҳамедовна — 6-туғруқхонанинг врачи.

Рабинович Лидия Ефимовна — 15-болалар касалхонаси бош врачининг ўринбосари.

Раҳимионов Тўхта — 1-шаҳар касалхонасининг бош врачи.

Романова Екатерина Михайловна — 7-сил касалликларига қарши кураш диспансери бўлимининг мудири.

Сетранян Маро Арменяновна — республика сил касалликларига қарши диспансерининг врачи.

Тутаева Вера Федоровна — 5-шаҳар юқумли касалликлар касалхонасининг врачи.

Учарбекова Маъмура Раҳимбековна — 14-дорихонанинг контролёри.

Устинова Зинаида Григорьевна — тез ёрдам касалхонаси бўлимининг мудири.

Ҳабибова Матлуба — 14-болалар касалхонаси бўлимининг мудири.

Шокиров Муҳаммадер Шокирович — республика қон қуйиш станцияси бўлимининг мудири.

*) Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида.

ЮБИЛЯРЛАРИМИЗ

ОЛИМ, ТАРБИЯЧИ

Атоқли экономист олим, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби, экономика фанлари доктори, профессор Олим Мўминович Аминов 60 ёшга тўлди.

Олим Аминов 1906 йилда Қўқонда туғилган. Октябрь социалистик революциясидан кейин пионер ва комсомол ташкилотларини тузиш ишларига актив қатнашади. Комсомол-агитатор Олим Аминов 1925 йилда Коммунистик партияга кандидат бўлиб киради. 1930 йили Давлат педагогика академиясини битиради. Ўша пайтдан бери у йирик илмий асарлар яратди, педагогик ва жамоат ишларида актив қатнашди. Олим Мўминович 70 дан ортиқ илмий ишнинг авторидир. Айниқса, унинг «Ўрта Осиёнинг мустамлака даврдаги иқтисодий ўсиши», «Ўрта Осиёнинг Россияга қўшилишининг иқтисодий ва сиёсий самаралари» асарлари катта илмий аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги пайтда Олим Мўминович «Коммунизм қурилиши даврида ишлаб чиқариш муносабатларининг такомиллашиши» деган комплекс проблема устида иш олиб бораётган илмий ходимлари коллективига раҳбарлик қилмоқда. У Бутуниттифоқ, республикаларо ва бошқа ҳидаги илмий мунозаралар, сессиялар, назарий конференция ва симпозиумларнинг актив иштирокчисидир.

1965 йили Олим Аминов Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари учун БМТ томонидан уюштирилган халқаро иқтисодий семинарда ҳам фаол иштирок этди. Талантли олим К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин асарларини ўзбек тилига таржима қилишга ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган.

Илмий ва педагогик кадрлар тайёрлашда Олим Мўминовичнинг хизматлари катта. У 4 фан докторига устозлик қилди. Ўзбекистон, Тожикистон, Туркманистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Қорақалпоғистон АССР ва Россия Федерациясининг турли олий ўқув юртларида хизмат қилаётган 40 га яқин аспирантларга илмий раҳбарлик қилди.

Олим Аминовнинг шогирдларини жуда кўп шаҳарларда учратиш мумкин. Масалан, Қирғизистон Фанлар академиясининг академиги Д. Алишбоев, Бухоро педагогика институтининг ректори Д. Номозов, Қирғизистон Фанлар академиясининг старший илмий ходими К. Жунусов, Тожикистон политехника институти сиёсий иқтисод кафедрасининг мудири М. Мадалиев, Андижон педагогика институтининг кафедра мудири И. Мусаев, Фарғона педагогика институтининг кафедра мудири М. Муслимовлар шулар жумласидандир. Фақат Тошкент халқ хўжалиги институтининг ўзида профессор О. Аминов шогирдларидан ўн беш фан кандидати хизмат қилмоқда.

Олим Мўминович СССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги илмий-техника советининг аъзосидир. У Ўзбекистон ССР Олий ва ўрта махсус таълим министрлиги методик советининг сиёсий иқтисод секциясини бошқармоқда. Шунингдек, СССР Фанлар академияси иқтисод бўлими проблема илмий советининг, республика «Билим» жамияти правлениеси президиумининг ҳам аъзосидир.

Республика фани олдиги катта хизматлари учун Олим Аминов Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланган.

Биз бугун ҳурматли устозимизнинг юбилей кунида унга узоқ умр, баракали ижод тилаймиз.

Х. МУРАТОВ,
К. ОТАМИРЗАЕВ,
Тошкент халқ хўжалиги институтининг доцентлари.

АЛИШЕР НАВОИЙ ТУҒИЛГАН КУННИНГ 525 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

НАВОИЙ ДЕВОНИНИНГ ЯНГИ КЎЛЁЗМАСИ

Навоий мероси беш аср давомида қайта-қайта кўчирилиб, юзлаб қўлёзмалар ҳолида бизгача етиб келди. Ҳозирги вақтда шоир асарларининг бир неча юз қўлёзма нусхалари маълум. Ана шулардан 400 га яқинини Навоий лирик меросининг қўлёзма нусхалари ташкил этиб, улар жаҳондаги турли қўлёзма фондлари ҳамда шахсий кутубхоналарда сақланмоқда. Навоий лирикасининг бизга маълум бўлган нусхалари турли даврларда ҳар хил савиядаги котиблар томонидан кўчирилган ва уларнинг савияси ва илмий қиммати ҳам бир даражада эмаслиги табиийдир.

Ҳозирги кунда Навоий асарларининг бизга маълум бўлган ва жаҳоннинг турли фондларида сақланаётган қўлёзмалари ичида 50 га яқини XV асрнинг машҳур хаттоти Султонали Машҳадий қаламига мансуб бўлиб, ана шу нусхаларнинг кўпчилиги Султон Ҳусайн кутубхонаси учун махсус кўчирилган ва фақат шоир девонларининг энг қадимий нусхаларигина эмас, шу билан бирга, XV аср хаттотлик ва умуман китобот санъатининг нодир намуналари сифатида ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Лекин шуни таъкидлаш керакки, Навоий меросининг бир неча юз қўлёзма нусхалари орасида шу кунга қадар XV асрнинг ажойиб хаттоти Абдулжамил котиб қаламига мансуб бўлган фақат биргина қўлёзма «Хамса»гина мавжуд эди. Бу қўлёзма 1930 йилда қўлга киритилган ва ҳозир Узбекистон Фанлар академиясининг А. Бируний номидаги Шарқшунослик институтида 5018- рақами остида сақланмоқда. Ана шу нусха илмий нуқтаи назардан ниҳоятда ишончли бўлганлиги сабабли (Е. Э. Бертельснинг фикрича, бу қўлёзма авторнинг бевосита назорати билан кўчирилган), «Хамса»нинг барча нашрлари ҳамда илмий-танқидий текстлари учун асос қилиб олинган.

Аммо Навоий девонларининг қўлёзмалари орасида Абдулжамил котиб томонидан кўчирилган бирорта ҳам нусха навоийшуносларга маълум эмас эди. Шу нарсани қувонч билан маълум қилиш керакки, шу кунларда биз Навоий девонининг Абдулжамил котиб қаламига мансуб бўлган янги қўлёзмасига эга бўлдик — «Наводирун-ниҳоя» девонининг қадимий нусхаси топилди.

Асар 893-1487/88 йилда Ҳиротда Абдулжамил котиб томонидан хуросон қоғозига очиқ настаълиқ хатида битилган. Шеърлар зарҳал жадвал ичига олинган.

Қўлёзманинг бош қисмига (16 варақ) чиройли лавҳа ишланган. Охирида котиб ўз исми ҳамда кўчирилган йилини қайд этиб қўйган. Муҳими шундаки, бу нусха ҳам, «Наводирун-ниҳоя»нинг Тошкент нусхаси каби, «Туганди девони жадид» («Янги девон тугади) ибораси билан якунланади. Бу ибора мазкур қўлёзма Алишер Навоийнинг ўзи томонидан тузилган иккинчи девон,— «Наводирун-ниҳоя» нусхаси эканлигига шубҳа қолдирмайди. Чунки, муаллифнинг ўзи хабар берганидек, унинг «Бадоеъулбидоя» девонидан кейин тузган ана шу девони «девони жадид» (янги девон) номи билан машҳур бўлган (ўзининг ҳақиқий номи сақланган ҳолда). Девон мундарижаси ҳам юқоридаги фикрни тасдиқ этади.

Бу қўлёзма Навоий ижодини, хусусан, унинг лирик меросини илмий асосда ўрганишда жуда катта аҳамиятга эга. Бу масалани шундай ҳол билан ҳам изоҳлаш мумкин: Ҳозирга қадар «Наводирун-ниҳоя» девонининг машҳур хаттот Султонали Машҳадий томонидан Султон Ҳусайн хазинаси учун кўчирилган ва ажойиб миниатюралар билан безатилган ягона нусхасигина мавжуд эди (Тошкент, Шарқшунослик институти фонди, № 1995). Навоий лирик меросини даврлаштириш ва унинг ўрта ёш лирикасининг ҳажми ҳамда мундарижасини аниқлашга бағишланган илмий ишлар учун мазкур қўлёзма асос қилиб олинар эди (шундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас эди).

Зотан, бу қўлёзма ўз сифатлари билан юксак илмий қимматга молик.

Лекин бизнинг қўлимиздаги нусхани мазкур қўлёзма билан қиёслаб чиқиш шоир ўрта ёш лирикасининг мундарижасини белгилаш борасида бундан буён яна ҳам жиддийроқ иш олиб бориш лозимлигини тақозо этади. Чунончи, Султонали нусхасида 628 ғазал (хошиядагилар билан бирга) бўлгани ҳолда, Абдужамил қўлёзмасида ғазаллар сони (ҳошиядагилар билан бирга) 850 дан ортади. Ғазалларнинг ҳарфлар бўйича тақсимланишида ҳам катта тафовут кўзга ташланади. Бу ҳол, айниқса «вов» (Султоналида — 17 та, Абдужамилда — 26), «Ҳе» (35-66), «ёй» (66-131) ва бошқа қисмларда яққол кўринади. Шунингдек, кейинги нусхада Султонали қўлёзмасида учрамайдиган бир неча ўнлаб ғазаллар мавжуд. Ғазаллар таркиби ва тартиби ҳамда баъзи сўзларнинг имлосида ҳам иккала нусха орасида маълум тафовутлар учрайди.

Энг муҳими шундки, Абдулжамил нусхаси фақат ғазаллардангина ташкил топган бўлиб, бошқа жанрдаги шеърлар учрамайди. Девон қуйидаги байт билан тугайди:

Эй Навоий, они тарк айлаки, кўптур
ғами ишк,
Менки чектим ғамини, тарк не имкон
эмди.

Султонали нусхаси ҳам шу байт билан тугайди ва кетидан, Абдулжамил нусхасида кўрганимиздек, котибнинг «Туганди девони жадид» ибораси келади. Бу ерда котиб ўз номини кўрсатмайди, балки ғазалларга илова қилинган ва алоҳида саҳифадан махсус бошланган бошқа жанрдаги шеърлар (3 мустаҳзод, 3 таржеъбанд, 3 қитъа, 46 рубоий, 1 чистон, 6 муаммо, 1 туюғ)дан кейингина ўз исми ва қўлёзманинг кўчирилиш сабабини баён қилади. Шу қўлёзмага бағишланган илмий ишларда кейинги шеърлар ҳам «Наводирун-ниҳоя»нинг таркибий қисми сифатида қаралади (балки шундай ҳамдир). Лекин, шундай бўлса, нима сабабдан котиб ғазаллар сўнгидан янги девоннинг тугалланганлигини расман қайд этади ва қолган шеърларни махсус лавҳа чизилган янги саҳифадан бошлайди? Мазкур девоннинг асосий қисми ўз хусусиятларига кўра (тугалланиш, аталиши) Абдулжамил нусхасига тўла мос тушади. Шунингдек, Навоий ўзи ҳам «Ҳазойинул—маоний» девочасида иккинчи девони, асосан, ғазаллардан ташкил топганлигига урғу беради. («...Ва яна бирининг (яъни иккинчи девон) шавқангиз ғазалиётидин...»).

Бундан ташқари, Навоий мазкур девочада иккинчи девонига ҳам девоча ёзганлигини хабар қилади. Аммо мазкур девоннинг ҳар икки нусхасида ҳам биз ана шу девочани учратмаймиз.

Демак, бизнингча, ҳар икки қўлёзма ҳам «Наводирун-ниҳоя» девонининг энг қадимий ва қимматли нусхаларидан бўлиб, улар бир-бирини тўлдиради ва шу билан бирга, мазкур девоннинг ҳақиқий ҳолатини тиклаш ва шу йўл билан шоир лирикасининг эволюциясини мукаммал ўрганишга кенг йўл очиш учун жиддий қидирув ва тадқиқот ишлари олиб боришга даъват этади.

Моҳир хаттот Абдулжамил қаламига мансуб бўлган янги қўлёзмадаги муҳр ва турли белгилар бу ноёб ёдгорликнинг қариб беш юз йиллик тақдири ва саргузаштларидан далолат қилади: У Ҳиротдан номаълум сабаб ва йўллар билан Туркияга борган, бир неча эътиборли кишилар қўлида бўлган ва қачонлардир Ўрта Осиёга келиб қолган. Майли, унинг бизга номаълум саргузашти қанчалик ажойиб бўлса-бордир, аммо энг қувончли ва ибратли жиҳати шуки, у ўз ижодкорининг 525 йиллик тўйи кунида ўзининг ҳақиқий хонадонига кириб келди.

П. ШАМСИЕВ,
Е. ИСОҚОВ,
филология фанлари кандидатлари.

ЖУРНАЛИСТЛАР ЙИҒИЛИШИ

ФАРҒОНА. («Совет Узбекистони» мухбиридан). Кеча Фарғона область журналистлари активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилиш қатнашчиларни СССР Журналистлари союзи иккинчи съезди якунлари ва область матбуот ходимлари олдида турган вазифаларни муҳокама қилишди. Ўзбекистон журналистлар союзи правлениесининг раиси З. И. Есеқбоев доклад қилди. Йиғилишда сўзга чиққан «Коммуна» газетаси бўлим мудири Д. Эргашев «Ферганская правда» газетасининг масъул секретари Б. Вильчек, Қўқон шаҳар «Меҳнат байроғи» газетасининг редактори Б. Фозилхўжаев, область радиосининг редактори М. Муродов, ЎзТАГ фотомухбири Г. Бойко ўртоқлар Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги ва В. И. Ленининг туғилганига 100 йил тўлиши олдидан амалга ошириладиган режалар ҳақида гапирдилар. Йиғилишда Фарғона область партия комитетининг секретари А. Маҳмудов ҳам сўзлади.

КОММУНИСТИК АХЛОҚ ВА ОДОБ МАСАЛАЛАРИ

ИНСОНИЙЛИК

Илғор фикрли кишилар қадим замонлардан бери инсонпарварликни, адолатни қўйлаб келдилар. Буюк мутафаккирлардан Фирдавсий инсон қадратини, камолотини кўкларга кўтарди. Рудакий инсонни ҳамиша яхшиликка даъват қилди. Навоий ўз ҳаётида «Одамий эрсанг демагил одами, аниким йўқ халқ ғамидан ғами» деган доно фикрга амал қилиб келди. Улар инсон қадр қимматини дунёда ҳамма нарсадан ҳам устун қўйдилар. Улар инсондаги барча нодир фазилатларни улуғлаб, жаҳолат, разолатнинг ҳар қандай кўринишини қатъий қоралашдилар.

Айниқса бизнинг даврда ота-боболаримиз орзу қилган инсонпарварлик ғоялари рўёбга чиқа бошлади. Коммунистларнинг дастурул амали бўлган Программада ҳам кишиларимиз ўртасидаги инсонпарварлик, биродарлик муносабатларига алоҳида эътибор берилган, «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун!» дейилади унда. Дарҳақиқат, кишиларимизнинг кундалик ишларида, хатти-ҳаракатларида шу истак, шу мақсад яққол кўриниб туради. Редакциямизга келаётган жуда кўп хатларда меҳнаткашлар инсонга ғамхўрлик, инсонпарварликдан қувонадилар, виждонсизлик, адолатсизликдан ғазабланадилар. Буни ушбу саҳифадан ҳам яққол кўриш мумкин.

Одамий эрсанг, демагил одами,
Аниким йўқ халқ ғамидан ғами.
Адл ила олам юзин обод қил,
Ҳақ ила олам элини шод қил.

Алишер НАВОИЙ.

Занжирнинг охирги ҳалқаси инсон,
У — калит, бандларни очади осон.
Ақл бирла идрок фақат унга ёр,
Бутун тилсиз олам фармонига зор!

Абулқосим ФИРДАВСИЙ.

Шу оддий кўз билан боқмагил, балки, —
Билим кўзи билан боққил жаҳонга.
Жаҳон дарё эрур, яхши ишингдан —
Кема ясаб ўтгил нари томонга.

Абу-Абдулло РУДАКИЙ.

ИЗЗАТ ВА НАФРАТ

Халқнинг иззат-ҳурматини қозонган инсон эъзозланиши, эзилиб ғазаб-нафратига учраган киши қисмати эса қанчалик аянчли бўлиши ҳаёт исботлаган ҳақиқатдир. Инки шонли факт воситасида инсонийлик шарофати, ёмонлик касофати тўғрисида ҳикоя қилмоқчимиз.

ГУЛДАСТА

Бригадир Зариф Раматовнинг қўлида гулдаста. Пахта чаманидан ясалган. Гулдастадаги чаноқларда лўппи «оқ олтин» қаймоқдек тошган. Пахта эндигина очилган пайтлар эди.

— Мўл ҳосилнинг дастлабки нишонаси, — деди Зариф.

— Менга берсангиз, янги ҳосилнинг илк нишонасини клубга эгиб қўйсак, — илтимос қилди раис.

— Кечирасиз, дилимда бошқа бир ниятим бор, — деди Зариф.

Суриштириб, ниятини билдик. Гулдастани Эшвой ота қабрига қўймоқчи экан.

Эшвой ота ким? Ҳикоя қилишларича, Шовот этакларида чўзилиб ётган қумлоқ чўлда янка — кона уй бўлган. Унда кекса деҳқон Эшвой ота яшаган. «Посёлкада уй қуриб берамиз» десалар ҳам қишлоққа кўчиб келишга унамабди. Колхознинг қўйини боқиб, саҳрода умрини ўтказибди.

— Мен ўлгунча бу қадрдон тупроқни ташлаб кетолмайман. Ўлсам шу ерда бўлсин, — деган экан Эшвой ота.

Ота бундан бир неча йил илгари дунёдан ўтган. Васиятига кўра, қабри чўлдаги тепаликка қўйилган. «Эшвой чўли» деб аталган илгариги қўриқ ерлар сўнгги икки йил ичида пахтазорга айланди, йўллар қурилди, гулзорлар барпо этилди.

Шовот районидаги Чкалов номли колхознинг инженери, коммунист Зариф Раматов ўн бир йигит билан «Эшвой чўли»ни ўзлаштириш учун қўриққа кўчиб келди. Ариқ-зовурлар қазилди, катта майдонлар текисланди. Инсон иродаси, техника қудрати туфайли сўнган қўриқда «оқ олтин» кони бунёд бўлди.

Эшвой отанинг орзуси ушалди. Унинг қабри чўлда эмас, гулзор ичида. Обод қишлоқ, оппоқ пахтазор унга кўриниб турибди. Ана, Зариф — чўлни бўстон қилган йигитларнинг сардори Эшвой ота қабрига гулдаста қўйгани бораяпти. Отани ҳамма ҳурмат билан ёдга олишади. Халол меҳнати билан колхозига, халқига манфаат етказган, қалби ва нияти пок оддий деҳқондан яхши ном қолди. Бу — олижаноб кишилар тирик пайтида ҳам, дунёдан ўтганидан сўнг ҳам номи сўнмаслигидан далолат.

БЎШ МАҚБАРА

Ж. Қобулниёзов тўплаган «Ҳоразм халқ қўшиқлари» китобида Исфандиёр хонга халқ ғазабини эфодаловчи шундай мисралар бор:

Исфандиёр, эолимлигинг
билдирдинг,
Нон ўрнига нунжарани
едирдинг,
Камбағални қийнаб, бойни
кулдирдинг,
Ҳаддан ошдинг, золим! Ёнинг
сўнилсин!
Бошинг кесилсин-у, қонинг
тўкилсин!

Жабрдийда халқнинг қарғишига, қаҳр-ғазабига учраган золимни ноҳақ қон тутмай қолмади. Тожтахт учун курашган қонхўр Жуйайдхоннинг ўғли Эшши 1918 йил 3 октябрда Исфандиёр хоннинг бошини кесди.

Исфандиёр салтанати шуҳратини намойиш қилиш, ўз хотирасини абадийлаштириш мақсадида вафотидан анча илгари дабдабали, серҳашам қабр-мақбара қурдирди. Паҳлавон Маҳмуд мақбарасининг ёнидаги хоналардан бирида ўша қабр қандай қурилган бўлса шундай турибди. Ичи бўш. Қабрга Исфандиёрнинг жасади қўйилмаган. Золим хонга аталган қабрга инсон жасади қўйилмай қолиб кетган. Ундан ҳамма жирканади, ҳазар қилади.

Келган кишилар қабрга қўзи тушганларида, унинг нақшига, ноёб тошга ўйилган нафис безакларга, халқнинг ўймакорлик талантига қойил қолишади. Лекин, Исфандиёрнинг манфур номи тилга олинганида, нафратланиб қўйишади. «Ўзига ҳам лаънат, гўрига ҳам лаънат қонхўрнинг!» дейишади. Шу пайтда нақшин қабр киши кўзига бирам совуқ, ёқимсиз кўринадики, хонадан чиқишга ошиқасан, ташқарида бир эркин нафас олиб қўясан. Инсон хотираси ҳашаматли қабр билан эмас, балки камтарин меҳнат, хайрли иш билан абадийлашар экан!

«Совет Ўзбекистони» муҳбири.

ОҚИБАТ

Одамнинг одамга оқибати, яхшилик қилиши халқимизда азалий одатлардан саналади. Ота-боболаримиз ўзлари камбағал бўлишларига қарамай, одамнинг бирбирига оқибатини номус, ҳаё, инсоф, диёнат билан баробар қўйишган, оқибатсизликни кўрганда қаттиқ ранжишган. Ҳақиқатан ўйлаб кўрган одамга оқибатсизликдан ёмон нарса йўқ дунёда. Оқибат кўрсатишга нима етсин! Ўзингиз ҳам, бошқалар ҳам хурсанд.

Отам раҳматликнинг биз — ўғилларига берган бир қанча танбеҳлари ҳали-ҳали ёдимдан кўтарилмайди. У киши бошқаларга оқибат кўрсатишни ҳамма нарсадан устун қўярдилар: Бир куни суғорилиб, тобидан ўтиб кетган ерни от қўшида ҳайдаётгандик. Бирдан қишлоқда йиғи овози чиқиб қолди. Отам қўшни тўхтатиб ўша томонга қулоқ солиб қолдилар. Кейин:

— Худо раҳмат қилсин. Иноятилла оғамизнинг болалари бетоб экан. Қазо қилибди-да,—дедилар. Акамга отни қўшдан чиқаришни буюриб, қаёққадир кетишга тараддудлана бошладилар. Акам эса, бир отамга, бир ҳали мола босилмаган ерга қарарди. Отни қўшдан чиқаришга шошилмасди. Ниҳоят у:

— Ота манови еримиз серкесак, рухсат беринг, мен бир мола босиб қўяй, — деб қолди.

Отам қизариб ғалати бўлиб кетдилар, уришиб бердилар.

— Қишлоқда биров ўлиб ётса-ю, сен мола босиб юрсанг? Уялмайсанми, шундай деганг? Қўявер, ўзим теша-болта билан бўлса ҳам кесакни майдалаб оламан!

Борган эдик, бизга яраша ҳам ишлар топилди. Асқотиб турган эканмиз. Акам шунда қаттиқ хижолат тортиб қолган эди.

Яна бир воқеани яхши эслайман. Далада қуртга барг кесаётгандик. Отамнинг узоқ бир таниши Ўтан тоғга барг сўраб келиб қолди:

— Барг тополмай қуртларни ариққа оқизадиган ҳолатга келдик, — деди.

Ўзимизга ҳам барг етиши даргумон эди. Қолган 12 туп тут тугаса нима қиламиз, деган ташвишга тушиб қолгандик. Отам дўппиларини олиб, бир паст ўйланиб қолдилар. Кейин 12 та тутнинг баргини Ўтан тоғага бериб юбордилар. Акам иккимизнинг бир жаҳлимиз чиқади, бир жаҳлимиз чиқади.

Ниҳоят акам:

— Ўзимизга етадими, етмайдими демадингиз-а ота, деб юборди.

Отам тушунтирди:

— Бир мўйсафид одам шунча жойдан умид билан, йўқ демаслигимга ишониб келади-ю, қуруқ қайтариб юбораманми? Кимнинг гапини гапиряпсан? Унака хасис бўлмагин. Барг бўлса топилади. Қўлинг очиқ бўлса, бировларнинг ҳам сенга кўли очиқ бўлади. Отам ўзи айтганидай эртасига қўшни қишлоқдан икки арава барг топиб келиб, қуртларимизга берди. Кейин билсак, бу уларнинг бир-бирига кўрсатган оқибати экан.

Мен бу воқеаларни айтиб ўтирмаслигим ҳам мумкин эди. Лекин мен бир нарсадан қаттиқ ташвишга тушганимдан, баъзи ҳолларда катталар ўртасида, хўжалик раҳбарлари ўртасида, кўпинча эса ёшлар ўртасида бирбирига оқибат кўрсатиш одатдан чиқиб кетаётганидан айтаётирман.

Оқибатсизлик қилиш ҳоллари содир бўлаётган экан, бундан катталар ҳам, раҳбарлар — юрт отахонлари ҳам, ўқитувчи-мураббийлар ҳам баббаравар ташвишга тушмоқлари лозим. Менимча, мактабларда одоб ва ахлоқ ҳақида ўқитувчилар кўпроқ иш олиб боришса, кўп яхши иш бўлур эди. Шундай дарслик яратилишига ҳурматли ёзувчиларимиз, олимларимиз, ўн йиллаб бола тарбияси устида ишлаётган ўқитувчиларимиз ёрдам беришлари керак.

Оқибат нималигини билмаган одам халқнинг, кўпчиликнинг назаридан қолади. Бунақасини кўп кўрганмиз. Бағдод районида илгари Энгельс номли колхоз бўларди, ҳозир «Большевик» колхозига қўшилиб кетган. Шу хўжаликка Усмон Охунбобоев деган одам бир неча йил раислик қилган. У қишлоқдаги бирорта тўйга ҳам бош бўлмаган. Биров вақти-соати етиб қазо қилса, бошида турмаган. Бунинг ўрнига қишлоқда биров ўлиб қолганда,— колхозчиларга:

— Тўрт-бештанг борсанг бўлади, ҳамманг борма! — деган ҳаргал. Бу халққа жуда оғир ботган. Одамлар охири бу оқибатсиз раҳбарни раисликдан тушириб юборишди. Буни халқ назаридан қолиш дейилади, нўноқ раҳбарлик дейилади.

Ҳозир ҳам йўқ эмас, халқнинг кўнглига йўл топиш ўрнига дўқ-пўписа билан, аламини оддий меҳнаткаш кишилардан олиш билан иш кўраётган мурувватсиз хўжалик раҳбарлари. Деҳқоннинг қўлидан бир пиёла чойини ичиб, арзига қулоқ солмайдиган, хатто саломига алиқ олмайдиган, кўришгани кўл узатмайдиган, ишлаётганлар тепасига борганда, «қормангилар» дейишни ўзига эп кўрмайдиган раис ва директорлар ҳам топилади. Ўзбекистон районидаги бир совхознинг директори ўлди-кеттини эшитса, ўзини ўн километр нарига олиб қочаркан, «қўйинг бу совқ гапингизни!» деркан бирров ҳол-аҳвол сўраб чиқинг, деб маслаҳат берган активларга.

Мен областимизда кўпгина оқибатли, халқ орасида ҳурмати баланд раисларни биламан. Улар бошқараётган хўжаликлар ҳар йили пахта планини ортиги билан бажаради. Областда энг юқори ҳосил беради, хатто республикада оғизга тушган хўжаликлар. Қува районидаги «Коммунизм» колхозининг раиси Мусажон Шербўтаев ўз хўжалигида ким қандай ишашини беш қўлдай билади. Ҳамманинг ҳолидан хабар олишга улгуради. Бошида қанча ташвиши бўлишига қарамай, тоби қочган ҳар бир колхозчини, унинг ким бўлишидан қатъи назар бир кўриб, аҳвол сўраб чиқишни ўзига ҳам қарз, ҳам фарз деб билади. Колхозида беш олтита ўғли фронтда бедарак кетган бевалар бор экан, биринчи навбатда уларнинг уйини янгилатиб берибди. Вақт-вақти билан ўзи уларнинг турмушидан хабар олиб турарканг. Бу колхоз отахонининг, оқибатли одамнинг иши.

Охунбобоев районидаги Фрунзе номли колхоз раиси Абдулла ака Раҳмонов, «Ленинград» колхозининг раиси М. Деҳқонов, Олтиариқ районидаги «Партия XXII съезди» колхозининг раиси К. Файзиматов, Попдаги Ленин номли колхоз раиси Аҳмаджон Одиловлар шундай оқибатли раислардан. Улар эл-юрт орасида катта обрў орттирганларининг боиси ҳам шундан. Улар қўлларидан келган яхшиликни, мурувватни халқдан аяшмаётирми, халқ ҳам уларнинг ҳурматини жойига қўяверади. Раҳбар учун бундан ортиқ бахт бўлиши мумкинми?! Энг муҳими ким бўлмайлик, раҳбарми, оддий меҳнаткашми, тарбиячими, ишчими, — оқибатли бўлайлик. Шунда ҳеч кам бўлмаймиз.

Бузрухўжа УСМОНХЎЖАЕВ,
Катта Фарғона канали эксплуатация бошқармасининг бошлиғи.

МЕҲР ЧЎҒИ

Бу аёлни, ёши етмиш иккига бориб қолган бу қарияни Пскентда кўпчилик танимайди. Унинг мулойим чеҳраси, меҳр билан боқувчи кўзлари ёшлигида гўзал бўлганидан далолат бериб турибди.

Хосият опа узоқ йиллар ёлғизлиқда, етимлик кисматини татиб яшади. Лекин, ота-оналари, қариндошлари ўлиб кетган бўлса ҳам, у маҳалладаги орасида руҳан тетик ўсди.

Хосият опанинг ҳаёт йўлига назар ташлаган киши шубҳасиз бу жафокаш аёлни инсонпарвар, боланжон эканига қаноат ҳосил қиладi. Хосият ўзи етим ўсгани учун, улгайиб она бўлгач ота-онасиз болаларнинг меҳрибони бўлиб қолди. Хосият опа колхозда ҳам ишлаган. Оғир уруш йилларида бу ерларда кун кечириш айниқса қийин эди. Шундай бўлса ҳам, Хосият опа одамлардан яхшилигини аямади. Бир йили Ҳурматхон деган жувон уч яшар ўғилчасини боқолмай Хосият опадан ёрдам сўради. Ўйида кўпинча егани нони бўлмаса-да, Хосият опа Соливойни ҳам ўз бағрига олди, меҳр билан ўстирди. Соливой армия ёшигача Хосият опа қўлида ўсди. Ҳозир Соливой Олмалиқда бинокор бўлиб ишлайди, уйланиб, болачақаларини ўстиряпти.

Хосият опа қийин йилларда онасиз қолган яна бир неча болаларни асраб олди. Саккиз яшар Турсунбой ва унинг олти яшар синглиси Инобат оналарининг вафотидан сўнг оталари Маллабоев даргоҳига сиғмай қолишди. Хосият опа уларни жон-дили билан ўз тарбиясига олди. Саховатли аёл қўлида униб-ўсган Турсунбой армия сафида хизмат қилиб келди. Ҳозир шофер бўлиб ишлаяпти, уйланган, бола-чақалари бор. Сингласи Инобат ҳам бўйи етиб, турмушга чиқди. Ҳозир у Муротали қишлоғида яшаяпти, уч боланинг онаси. Турмуш ўртоғи иноналаси колхозда меҳнат қилишади.

Хосият опа яна икки ярим ойлик Тоҳир исмли чақалоқни бағрига олди. Унинг Охунбобоев номли колхозда яшайдиган онаси барвақт вафот этди. Қўни-қўшнилар Хосият опанинг бағри кенглигини билишгани учун чақалоқни унинг тарбиясига топширишди. Отаси Тоҳирни меҳрибон аёлга ишониб қўллаб тутқазди. Шундан бери бу киши ўғлининг тақдири билан сира қизиқмади.

Хосият Мирзаҳакимова нинг илгари ҳувиллаб ётган уйи шодиёна ғалаговурга тўлди. Болалар соғлом, шўх, оналарининг эркалашидан баҳраманд бўлиб ўсишди.

Бу болалар ва уларнинг қариндош-уруғи бағри офтобдай қароратли аёлга ҳар қанча раҳмат айтса ози. Бир вақтлар Хосият опа Жданов ва Охунбобоев номли колхозларда, район сув хўжалиги бошқармасида полизчи, қоравул бўлиб ишлаган, чайлала рд а яшаган эди. Лекин, нейинчалик, нораста гўдакларга қараш учун, нишин ташлашга тўғри келди. Ҳозир Хосият хола қариб, кучдан қолди. Нуроний қария олтмиш икки йил умр кечириб, ҳаётини болаларга бағишлади. У ёлғиз ўзи шунча болани вояга етказиш учун бир зум ҳордиқ чиқаргани, роҳат кўргани йўқ. Болаларни тўйдириб, ўзи бир бурда қаттиқ нон билан қолган кунлари бўлган.

Кўп болали аёлларимизга давлатимиз ҳақли равишда кўмаклашади, уларни тақдирлаб «Қаҳрамон она» деган унвон беради. Яхшики, бундай оналар учун ҳамма нарса муҳайё, уларга ҳукуматимиз билан айни вақтда қариндош-уруғлари, мустақил турмуш қурган ўғил-қизлари ёрдамлашиб туришади. Юрагини кўнглидаги меҳр чўғини бировларнинг болаларига бағишлаб, минг машаққатлар билан ўстирган Хосият хола ҳар қандай қаҳрамон оналардан кўра қаҳрамонроқ эмасми? Кексайиб қолган, мурғак гўдакларнинг бахти учун, ҳар қандай роҳат-фароғатдан воз кечган тунларни уйқусиз ўтказган бу аёл шу вақтгача бировдан ёрдам сўраган эмас. Бу жасоратли, саҳий қалб аёлнинг кўксига медаль тақиш кам, жуда камлик қиладi. Унга моддий ёрдам кўрсатилишини, эски уйини ремонт қилиб берилишини, унинг фидоқорлиги, меҳр офтоби газеталарда ёзилишини сўраймиз. Бундай аёлларга қаҳрамонона ҳаёти, меҳрга лиммо-лим гўзал қалби учун фақат мақтов қоғоз эмас, балки шахсий пенсия берсак ҳам арзийди. Чунки бизнинг Ватанимизда яхшилик сира ерда қолмайди.

А. СПИРИДОНОВ,
қишлоқ врачи.
Пскент.

ҲУСН

Маҳалламизда бир одам яшайди. Ўзи коммунист эмас, аммо пок эътиқоди ва соф виждони билан ҳар қандай коммунистдан қолишмайди. Маълумоти олий ҳам эмас, аммо илм-фанга қизиқади. Ёши 50 га яқинлашган. Маҳалладаги катта-кичик уни ҳурмат қилади. Бунинг боиси бор, албатта.

Усмонжон ака маҳалла аҳлига — каттами, кичикми бирдай саминий муомалада бўлади. Қўли ҳамма вақт кўксида, тилида: «Ассалому-алайкум». Бирор йигилиш усиз ўтмайди. Уша йиғинда қўлидан келганича хизмат қилади. Агар бир нишининг юмуши чиқиб қолса, Усмонжон ака бажонидил камарбасталик қилади. Ўзининг беминнат ёрдамини кимсадан аямайди.

Мен уни кўчада учратганимда ҳар сафар хиёлат тортиб қоламан; чунки мендан аввал салом беради. Озода кийинади. Маҳалладаги болаларни ҳам шундай юришга чақириб, насиҳат қилади.

Усмонжон ака оддий киши. Касби қурувчи. Ишхонасидагилар ҳам уни ҳурмат қилишади. Ҳамкасблари ҳали уни бирор марта ишни ноўрин қилганини эслаша олмайдилар. Доимо пишиқ ва пухта ишлайди. Оилада ҳам батартиб. Қизи олтинчи синфда ўқийди. Аёлчи, мактабнинг жамоат ишларида актив қатнашади.

Усмонжон анани маҳалламиздагилар чин дилдан ҳурмат қилишади. Бунга у ўзининг одоблилиги, меҳнатсеварлиги билан сазовор бўлган. Камтарлик, хушсуҳанлик унинг хислати. Худди унинг шу инсоний хислатлари ёшлар қалбида аланга ёқаётгани мароқлидир.

Мен яна бир кишини яқиндан танийман. У олий маълумотли врач. Ҳамиша бошида шляпа, бўйнида галстук билан учратаман уни. Қўлида кичик чемоданчаси ҳам бўлади. Ичида китобчалар борлигини сезиб қолганман. Бу яхши. Лекин ташқи кўринишда маданий кишидек туюлган бу одамнинг ички дунёсига келганда бирор яхши гап айтиш қийин. У маҳалладан ўтганида биров салом берса, тил учида зўрга алик олади, аммо ўзи зинҳор салом бермайди. Маҳалла — нўйдаги йиғинда ҳам иштирок этмайди, Унингча, тўй ёки аза каби маросимлар эскилик қолдиғи эмиш. Жамоат ишини кўрса етти метр наридан ўтади. Хатто, бир куни унинг ён қўшниси иситмалаб қолганида асбоблари поликлиникада қолганини баҳона қилиб кирмабди. Узоқдаги қариндошдан яқиндаги қўшни яхши, дейилади халқ мақолида. Бироқ биз билан бирга нафас олаётган бу врачнинг на қўшнини, на қариндошни тан олмаслиги инсофдами? Инсон саломатлигини муҳофаза этишдек олижаноб хизматда бундай врач бўлишидан таажжубда қоламиз, холос.

Маданият фақат яхши кийиниш-да, ўзини салобатли тутишда эмас. Маданият камтарликда, инсонийликда, ҳалол меҳнатда.

Р. ҒАФУРОВ,
Наманган шаҳри.

РАҲМАТ, ОДАМЛАР!..

Ҳурматли редакция! Мени сизга хат ёзишга ундаган қалб туғёнимни ҳеч яшира олмайман. Яшириб ҳам бўлмайди. Келинг, мени шунга мажбур этган воқеани бафуржа сўзлаб берай:

Етти ёшга тўлганимда, кўпчилик маҳалладош қизлар билан мен ҳам мактабга бордим. Барча - фанлардан аъло баҳо олардим. Ўқитувчиларим болаларни мендан ўрнак олишга чақирардилар. Ўзимни мақтамоқчи эмасман. Лекин, ҳақиқат...

Бир куни нима бўлди-ю қаттиқ огриб қолдим. Шифохонада узоқ ётишга тўғри келди. Қўли дард кўрмагур шифокорлар мени тезда соғайиб, мактабга, ўртоқларим сафига қўшилишимга бор кучларини аяшмади. Тунни-тун, кунни-кун демай маҳаллалик қўшниларимиз, дугоналарим, ўқитувчиларим ҳам келиб ҳолимдан хабар олишди. Яхши гаплар билан кўнглимни кўтаришди. Уларнинг кўзларига ҳар гал жовдираб, қақшаб боқардим:

— Менинг ҳам бахтим борми?..

— Кўнглингни ўкситма сингилим, — дерди улар бошимни силаб — албатта соғайиб кетасан. Ўқиб, илм оласан. Давримизнинг толеи ёр қизларидансан. Биз бунга ишонамиз.

Бу сўзлар менга қанча умид бахш этганини оддий сўз билан айтиб бўлмайди. Мана мен ўн саккизинчи баҳорни ҳам кўрдим Шифохонадан даволаниб, қайтдим. Бироқ... Бир оёғим ногирон бўлиб қолди. Севимли мактабим қучоғига қайтиб боролмадим. Тамом, энди саводсиз, ҳунарсиз қолиб кетарканман-да, деб ўйладим. Йўқ, мен янглишган эканман. Мени меҳрибон, қалби кўёш одамлар ташлаб қўймадилар. Деярли ҳар кун келиб, ўз шодликларини ҳам, қайғуларини ҳам мен билан баҳам кўрдилар.

Ҳозир ўз уйимда бўлса ҳам таълим олмоқдаман. Дастлаб менга алифбони таниттан даргоҳ — Тошкент шаҳар, Чилонзор районидаги 128-мактабнинг олиҳиммат ўқитувчилари мени оталиққа олишди. Деярли, ҳар кун келиб мени илм, фандан баҳраманд этмоқдалар. Тунлари мактабдош ўртоқларим ҳам келиб ўз билимларини ўртоқлашмоқдалар. Илм чашмасидан баҳраманд этмоқдалар. Мени телевизорда чиқиб, ўз машқий шеърларимни ўқишга ҳам ўшалар ундашди.

Дунёда шунчалар одобли, саховатли яхши кишилар кўп эканки, уларнинг таърифини қилишга, номма-ном оққа кўчиришга на сўз, на қоғоз, на сиёҳ етади. Улар билан яшаш шундай ширинки...

Чин қалбимдан дейман:

— Раҳмат, одамлар!...

Матлуба БУРҲОНОВА.

РЕДАКЦИЯГА ХАТ

□ □

ДОНОЛАР СЎЗЛАЙДИ

Ҳар бир инсоннинг табиатида ё турли гуллар, ё бегона ўтлар «униб» чиқади. Инсон ўз табиати, даги ана шу турли гулларни парваришлаб, ёввойи ўтларни юлиб ташламоғи лозим.

Ф. БЕКОН.

Айрим одамларга разм солсангиз, улар ҳеч кимни ёқтирмайди, ҳеч кимдан кўнгли тўлмайди. Аслида бу одамларнинг ўзидан ҳеч кимнинг кўнгли тўлмайди.

Ж. ЛАБРЮЙЕР.

Инсон замондан шикоят қилаверганидан ҳеч бир фойда чиқмайди. Ҳўп, замон ёмон экан, дейлик. Шу замонни яхшилаш учун инсон яшаётган.

Т. КАРЛЕЙЛЬ.

Агар одамнинг ўзи ёмон бўлса, унга ҳамма нарса ёмон кўринаверади.

М. ЛЕРМОНТОВ.

Инсоний туйғуларни тушунмайдиган, ўз ватанинг тақдирига, яқин кишиларининг тақдирига, умуман мол-мулкдан бошқа ҳамма нарсага беғарақ қарайдиган кишидан қўрқиш керак, у хавфли киши.

М. САЛТИКОВ-ШЧЕДРИН.

Инсон табиати шундай ранг-баранг, қудратли, ғўзалки, у, ҳар қандай бўғиқ, ярамас, ифлос шароитда ҳам ўзининг жозибадорлигини, гўзаллигини йўқотмайди.

Д. ПИСАРЕВ.

Агар инсон ҳайвоний муҳитга тушиб қолса, у ё инсон нўтармоғи керак, ёхуд ҳақиқатан ҳайвон сифат бўлиб қолмоғи лозим.

Ф. ЭНГЕЛЬС.

Агар ҳукмронлик қўлимда бўлса, инсоннинг табиати тузалмайди деган ҳар бир кишининг тилини кесиб ташлардим.

АБАЙ.

КЎНГИЛ КЕНГ БЎЛСА...

Киши қариганда ҳам фарзанд кўрса нақадар қувонади! Айниқса саксон яшар мўйсафиднинг фарзанд кўриши ҳаммага қизиқ туюлади. Лекин ажабланманг, бу ҳали ҳолва. Саксон икки яшар Қурбон ота яқинда юз қиз кўрди!..

Шу йил йигирма олтинчи апрель тонг отарида рўй берган фалокат тошкентликлар хаёлидан сира ўчмайди. Ўша тунда Олмазор кўчасидаги Қурбон ота хонадонида ҳам ёш-қари оёққа қалқди. Ҳовлининг гир атрофидаги хоналардан чопиб чиққан хотин-халажлар дир-дир қалтирашарди.

— Ҳой, мунча ваҳма қиласизлар! — ўзи чўчиб турса ҳам аёлларни тинчитди Қурбон ота. — Осмон узилиб ерга тушибдими?

Фавқулодда ҳолларда ҳам ўзини йўқотмайдиган Қурбон ота кўчага чиқиб, аянчли вайронгарчиликни кўрди-ю, ҳовлига кира солиб ўғиллари Аҳмаджон ва Рашиджонга буйруқ бера бошлади.

— Иккаланг тезлик билан автобазаларингга боринглар. Ҳозироқ машиналарингизни ҳайдаб қайтиб келинглар.

Қурбон ота кўп ўтмай етиб келган машиналардан бирига ўтириб, шаҳарни айланиб кетди. Баъзи жойларда кечаги уйлар ўрнида фақат қулаган деворлар, ғишт уюмларини кўриб юраги орқасига тортиб кетди. Йиқилган уйларнинг бири ёнида уч-тўрт аёл хўнграб йиғлашар, қўшнилари уларни юпатишга уринишарди.

— Қани қизларим, йиғини бас қилинглар, бош омон бўлса дўппи топилади,— қўполроқ, лекин самимий гапирди Қурбон ота. — Мана бу машинага чиқинглар, вақтинча бизникида яшаб турасизлар.

Холида ва Майрам Ўрозовалар кўз ёшларини артиб, ашил-тапил юкларини йиғиштира бошладилар. Ота уларга ёрдам берди.

Шу кеча Ленин номли педагогика билим юртининг биноси ҳам қаттиқ дарз кетди. Ётоқхонадан чопиб чиққан қизларнинг ранги қув ўчган, чамадонларини кўтариб нима қилишни билмай туришарди. Қурбон ота бу ердан ҳам ўн олтита қизни ўғлининг машинасига олди.

— Кампир, меҳмон олиб келдик!.. дарвозадан қичқирди ота.

Шарофат ая, шундай зилзилада келган қандай меҳмонлар экан дегандай, ажабланиб машинага яқинлашди.

— Қизимиз йигирмата бўлди, — тушунтирди ота. — Биламан, қизларим йигитлар бор ҳовлида тортиниб, ноқулай туришади. Қани, Аҳмаджон, Рашиджон сизлар вақтинча қайнаналарингга ёнига борингглар...

Йигитлар отанинг гапини икки қилишмай, эртасига ҳовлини ташлаб кетишди. Қурбон ота тўртта катта уйини янги фарзандларига бўшатиб берди. Дўст бошга кулфат тушганда синалади, деганлари рост экан. Қурбон ота ҳам минглаб ватандошларимиз қаби, тошкентликлар бошига табиий фалокат ёғилганда, иссиқ уйида кўл қовуштириб ўтира олмади. Республикамизнинг турли қишлоқ ва шаҳарларидан илмга ташна бўлиб келган қизлар бошпанасиз қолганда, Қурбон ота иккиланиб ўтирмай, дарҳол уларга иссиқ уйининг тўридан жой берди.

Табиий офат ҳар куни қақчалаб кишиларни бошпанасидан жудо қиларди. Лекин, уларнинг бирортаси ҳам кўчада қолмай, Қурбон ота сингари ғамхўр кишиларнинг уйларига жойлашди. Қурбон отанинг фарзандлари ҳар куни яна учтўрт кишига кўпаяверди. Шу тариқа отанинг қизлари юздан ортиб кетди. Кўнгил кенг бўлса, бир майизни қирқ киши бўлиб егандай, бир ҳовлига юзта қиз сиғаверар экан.

Қурбон ота Бекмуҳамедов юз қизга иссиқ уйидан жой беришгина қолмади. Турмуш ўртоғи Шарофат ая иккаласи қизларга ота-оналик қилиб, уларнинг рўзғорига, кийим-кечак, озиқ-овқатига қарашиб туришди. Пахта вақтида ҳам ота қизларига бош бўлиб, Сирдарё далаларида меҳнат қилди. Фарзандларининг ҳолидан хабар олиб, уларнинг шодлик ва ташвишларини баҳам кўрди. Педагогика билим юрти студентлари Маҳсума, Фароғат, Муҳаббатларнинг тонналаб терган пахтасида Қурбон отанинг ҳам ҳиссаси бор. Моҳира, Дилором, Насибаларнинг аъло баҳоларида Қурбон ота меҳрининг ҳам зарраси бор.

Шуниси қизиқки, қадим замонларда юнон шоҳи Данай элликта қиз ўстиргани учун кўп кулфатлар тортган экан. Бизда эса юзта қизни саҳий бағрига олган киши элда катта иззат-ҳурмат топади. Бизда одамгарчилик юксак қадрланади. Чунки бизнинг ватанимизда киши кишига дўст, ўртоқ ва биродар.

М. МАҲМУДОВ.

Суратда: Қурбон ота билим юрти қизлари билан.

КИЧКИНТОЙЛАР УЧУН

ФАРЗАНДЛАРИНГИЗГА ЎҚИБ БЕРИНГ

Ассалом

Ассаломни билган бола
Яхши бола аталар.
Узоқ умр тилаб уни
Дуо қилар оталар:
Балли, ўғлим, раҳмат! — дерлар,
Қувонасиз ўзингиз.
Қадрингизни орттирувчи
Шу бир оғиз сўзингиз.

Одоб нима?

Одоб ўзи бир сўз, лекин
Айтаверсак тури кўп.
Катта бир сўз деганида
Дарров десак: — Лаббай, хўп
Ва бажарсак биз уларнинг
Айтганларин шу замон —
Шунинг ўзи бир одобдир,
Одобсизлик — бу ёмон.

Йўл юрганда

Йўл юрганда қараб юр
Ен-верингга.
Қора юқмас қарасанг
Ҳеч ерингга.
Кўнка боқиб юрар бўлсанг
Гердайиб,
Йиқиласан бир кун мункиб
Ё тойиб.

Катта ва кичик

Кичикни ҳам ҳурматлаб,
Катталай бил албатта.
Ҳар бир ишни аввали
Кичикдан бўлар катта.
Каттаман деб кичикни
Босиб ўтма ҳеч қачон.
Ҳали ўзинг кичиксан
Катталардан, укажон.

Қулоқсиз

Нега энди мен қулоқсиз?
Нор ўзидан сўрар эди.
Киши билмас у қулоғин
Аста ушлаб кўрар эди.
Вой, қулоғим борку, мана,
Ё бу қулоқ эмасмикин.
Гап кирмагач, қулоқ эмас,
Дерди унга кимдир секин.

Тонг отди

Тонг отдими, туриш керак,
Кўп ухлама.
Онанг: — турғин, болам! деса,
Сен «ух»лама.
Мактаб вақтинг яқин қолар
Ювин туриб,
Токайгача онанг сени
Ювинтириб,
Қўл-оёғи йўқ боладек
Кийинтирсин.
Уйқинг доим уйғоқликдан
Кейин турсин!

Толиб ЙЎЛДОШ.

Ўзбекистон энергетика ва автоматика илмий-текшириш институтининг сув хўжалик системаларини автоматик равишда бошқариш лабораториясида ирригация системасини телемеханик бошқариш учун янги аппаратлар синаб кўриляпти. Суратда: старший техник С. Р. Гречичникова янги аппаратни синаб кўряпти.
И. Глауберзон фотоси.

СУД ЗАЛИДАН

КЎРНАМАК

БУХОРО. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Қора курсида ёши ўттиздан ошган Шамсия Жўраева ўтирибди.

Хўш, у нима учун судга тушди?

У тўкин-сочин, фаровон ҳаётимизга доғ туширди. Бахтли совет хотин-қизларига ёт бўлган ишлар билан шуғулланди. Шамсия айни ёшлик, кучга тўлган вақтида ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмай, енгил-елпи ҳаёт кечириш йўлига кириб кетди. Ичкиликка берилди. Оқибатда бир неча марта ҳушёрхоналарга тушиб чиқди. Тўғри насиҳат қилган тенгқурларини ҳақоратлади, маҳалладагиларни менсимай ўзининг ноўғри хатти-ҳаракатларини давом эттира берди.

Бухоро шаҳар халқ суди Шамсия Жўраеванинг фойдали иш билан шуғулланмай, текин-хўрлик билан кун кечиргани ва ичкиликбозлик қилгани ҳақидаги ишини маҳалла меҳнаткашларининг талабларига мувофиқ очиқ суд мажлисида кўриб чиқиб уни икки йил муддатга Бухородан бадарга қилишга ҳукм чиқарди.

РАДИО БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

7.45 — Ога-оналар учун, 8.25 — Концерт, 9.30 — Ўзбек халқ қўшиқлари, 10.30 — Шарқ куйлари, 11.10 — Экран янгиликлари, 11.20 — Куйлар, 12.15 — Эрталабки салом (Москва), 13.00 — Концерт (чорвадорлар учун), 13.30 — Концерт, 15.20 — «Ойдин — янги ҳаёт куйчиси», 18.00 — «Ёшлик» радиостанцияси, 18.40 — Қозоқ куйлари, 19.20 — Эстрада куйлари, 20.00 — Навоий газаллари билан айтиладиган қўшиқлар, 21.20 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 22.00 — Дунё харитаси олдида, 22.10 — Концерт (қишлоқ хўжалик ходимлари учун), 23.10 — Концерт.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 10.30 — **Физкультура**, 11.00 — **Кутилмаган ҳодиса** (Ёш томошабинлар театри спектакли).

Рус тилида: 13.10 — **Будильник саргузашти** (болалар учун), 13.20 — **Китоб оламида** (илмий-оммабоп фильм), 13.40 — К. Чуковский, **Рус тили маданияти ҳақида**, 14.00 — **Ёз ҳикоялари** (бадиий фильм).

Ўзбек тилида: 17.00 — **Шоирлар — болаларга**, 17.25 — **Телевизион янгиликлар**, 17.40 — **Алишер Навоий туғилган кунининг 525 йиллиги.**

Рус тилида: 18.05 — **Пионер прожектори**, 18.25 — **Телевизион янгиликлар**, 18.40 — **Кор фантазияси** (концерт).

Ўзбек тилида: 19.40 — **Студентлар учун («Ёшлик» студияси).**

Рус тилида: 21.00 — **Киножурнал ва Тушки жазирама** (бадиий фильм).

22.30 — **Эртаги кун программаси.**

Ўзбек тилида: 22.35 — **Эстрада концерти.**

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 дан — **Москва кўрсатади.**

ТЕАТР

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 11/XII да кундуз **Дилором**, кечқурун **Богча сарой фонтани.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 11/XII да кундуз **Оқ набутар**, кечқурун **Ой тутилган тунда.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 11/XII да кундуз **Ота ўғли**, кечқурун **Махтумқули**, 12/XII да **Раъшан ва Зулхумор.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Ўзбек цирки**, йиртқич ҳайвонларни ўргатувчи **Иван Рубан** ва **қизиқчилар группаси.**

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

11 декабрда

ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ ВА ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИНИНГ

КОНЦЕРТИ

Қатнашадилар: VI Бутуниттифоқ фестивали лауреати, Тўхтасин Жалилов номли ўзбек халқ чолғу оркестри, ўзбек ашула ва рақс ансамбли, Ўзбекистон ССР халқ артисти — **Ғулом Абдураҳмонов**, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артистлар: **Дилором Шерова, Тоштемир Шарипов**, солистлардан: **Холисхон Қодирова, Гулшод Отабоева, Инна Горлина, Дилбар Фаёзова, Турсун Ғиёсов, Зебо Аминова, Вилоят Оқилова, Фахриддин Дўстмуҳамедов, Хайриддин Фаёзов, Раббим Ҳамдамов.**

Концерт кеч соат 8 да бошланади. Билетлар Концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан ва район кассаларида соат 12 дан сотилади.

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ЯНГИЛИКЛАР

ДЎСТЛИК — АВЛОДДАН — АВЛОДГА

СССР БИЛАН ЧЕХОСЛОВАКИЯ ЎРТАСИДА ДЎСТЛИК, ЎЗАРО ЁРДАМ ВА ҲУРУШДАН КЕЙИНГИ ҲАМКОРЛИК ТЎҒРИСИДА ШАРТНОМА ИМЗОЛАНГАНИГА ЭРТАГА 23 ЙИЛ ТУЛАДИ

Бундан буён ҳам яна кўп йиллар мана шу йўллардан ўтганимиздан янги-янги фактларни топаришимиз ва шу вақтгача номаълум бўлган қаҳрамонларнинг кимлигини аниқлай беришимиз турган гап, албатта...

Шундай йўллардан бири бизни Моравиядаги Хотеборж деган кичкина шаҳарчага олиб келди. Анна Эйсова ўз қизлари билан шу шаҳарда истиқомат қилади. Унинг эри Йозеф Эйсин Улуғ Ватан уруши даврида совет ҳарбий хизматчиларининг ҳаётини сақлаб қолишда ва уларга ёрдам беришда кўрсатган мардлиги ва шижоати учун СССР Олий Совети Президиуми Биринчи даражали Ватан уруши ордени билан Аннанинг ўзини ва унинг қизи Мирославани «Жасурлик учун» медали билан мукофотлаганлиги тўғрисидаги хабарни Анна билан Мирослава эшитиб ҳам қувондилар, ҳам маъюсландилар.

Ўша йиллардаги воқеалар яна эсга тушди.

...1944 йилнинг ноябри. Самолет қоронғи зулматда ғарбга, партизанларнинг шиддатли уруши давом этаётган Словакияга томон учиб бормоқда. Ҳаммаёқни қалин туман қоплаганлиги сабабли самолётдан қараган кишига ер кўринмас эди. Шунинг учун ҳам учувчи бирор ерда ловуллаб турган гулханни ёки отилган мушакни кўрармикан, деб ҳар қанча уринса ҳам лекин фойдаси бўлмади. Аммо кутиб тўришга вақт йўқ эди, шунинг учун ҳам у парашютчилар командасига ерга қўниш тўғрисида буйруқ берди. Учувчи ўзининг самолёти Словакия территориясидан ўтиб кетганлигидан, ҳозир эса фашистлар оккупация қилиб олган, «Чехия ва Моравия» протектороти, деб ном берган жафокаш территориядаги Чехия—Моравия адирлари ўрмонлари тепасидан учиб бораётганлигидан бехабар эди.

Парашютчилар ҳам катта йўлга ва немис казармасига яқин жойга тушиб қўнишлари ва гитлерчи солдатларнинг шиддатли ўтига дуч келишларидан бехабар эдилар.

Ўн партизан-чехлар, словаклар, руслар, украинлар — ерга етиб улгурмасданоқ осмонда ўқ тегиб ҳалоқ бўлдилар. Беш партизанни эса шамол ўрмон томонга учириб кетди. Улар қоронғу тун паноҳида отиша-отиша ўрмон ичкарисига кириб кетавердилар. Шу жанг вақтида отряд командири Григорий Мельник оёғидан ўқ еб, оғир жарохатланди.

Учинчи куни кечқурун отряд командири оғриқнинг алами ва кўп қон кетганлиги натижасида алаҳсираб ётган, партизанлар эса ҳолдан тойиб тиниқлари қуриган пайтда, улар ўрмонда қирқ яшар чамаси бир кишига дуч келдилар. Бу — ўрмоннинг яшил формасидаги Йозеф Эйс эди. Корасоч, қоракўз, баланд бўйли ва қомати келишган бу киши худди ер остидан қалқиб чиққандек уларнинг олдида пайдо бўлди.

— Қўркманглар, ўз кишиларингизман.

Ўрмончи бу кишиларнинг ўзига қурашдош ўртоқлар эканлигини дарров пайқади. 1934 йилдан бери у ўрмон ёнасида жойлашган ўз кордони орқали қанча-қанча партизан отрядларини ўтказиб келган. У, тоғларда қурашаётган партизан отрядларини, кўп парашютчиларни, партизанларни ва фашистларнинг қамоқ лагеридан қочиб чиққан ҳарбий асирларни шу йўлдан ўтказиб қўйган. Булар орасида шуҳрати бутун Моравияга ёйилган майор Фоминнинг группаси ҳам бор эди.

Отряд штабининг бошлиғи ўзи асли словак бўлган Василий Киш партизанларнинг ўрмончи билан гаплашиб, бир-бирларини тушуниб олишлаонга ёрдам берди. Эйс Кршеменице кишлоғидан ўн минутлик йўлдаги ўрмон ёнасида бўлган ўзининг уйига мана шу беш кишининг ҳаммасини — Григорий Мельник, Василий Киш, Павел Моряков, Артем Петросян ва Дмитрий Малишевни олиб келди. Эйснинг хотини Анна ва тўрт қизининг каттаси ўн тўрт яшар Мирушка ярадор майорнинг ярасини боғлаш, очликдан дармонсизланиб қолган кишиларни овқатлантириш билан шуғулланиб турган пайтда Йозеф устига похол ёпиб беғиталиб қўйилган ер тўлани очди ва одамларни бемалол дам олишлари учун шу ертўлага жойлаштирди. Кечаси Анна врач Ян Чермакни олиб келди. Врач касалларнинг ярасини боғлаб қўйди, дори-дармон, бинт қолдириб ва беморларни қандай боқиш кераклиги тўғрисида маслаҳат бериб кетди.

Парашютчилар тузалиб қувватга кирганларидан кейин уларни худди уй каби жиҳозлаган ва дарёнинг нарёғидаги ўрмон ичида бутазорлар орасига жойлаштирилган бошқа ерга кўчириб қўйишди.

Бир неча кун ўтгач, Ян Гус номидаги партизанлар отрядининг алокачиси, маҳфий партия район комитетининг ходими Грудиман келди. У, бу катта ўрмон ичида партизанларнинг уита отряди харакат қилаётганлигини, Совет Армияси фашистларни ҳамма фронтларда тумтарақай қилаётганлигини, гитлерчилар йиртқичланиб, ҳеч кимни аямаётганлигини гапириб берди.

Йозеф хавф яқинлашиб келаётганлигини пайқаб, Моряков билан Мельникни дарров партизанлар отрядига жўнатди. Эртаси куни эрталаб унинг ўзи ҳам партизанлар отрядига дарров етиб келиш тўғрисида буйруқ олди. Лекин улгура олмади. У, ўзининг қурашдош ўртоғи ўрмончи Прадачки огоҳлантирмай туриб кетолмас эди. Гитлерчилар уларни ўрмондаги уйга келиб тутиб олдилар. Кечқурун Аннани ҳам қамоққа олдилар.

Йозеф билан Анна гестапо жаҳаннамининг ҳамма азобларига дучор қилинган бўлсалар ҳам чурқ этмай, чидаб турдилар.

Бу ҳодисани Мирушка қуйидагича ҳикоя қилади:

— Мен отамни аранг таниб олдим. Унинг соч-соқоли оқариб кетган эди. Қалтакнинг зарбидан афти мўматалоқ эди, лекин шундай бўлса ҳам у сир бой бермай тураверди. Улар мендан бункерни кўрсатишни ва паролни айтиб беришни талаб қилишди, бунинг эвазига отамни ўлдирмай сақлаб қоламиз, деб ваъда беришди. Отам менга «Мирушка, сен ўз бурчингни биласан-ку» деди. Гестапочилар яна дўқлар ва ваъдалар қилиб, мендан жиддий сирни билиб олмоқчи бўлдилар, аммо мен тошдай қотиб индамай туравердим. Отам билан мен бир-биримизга узоқ тикилиб хайрлашдик: бу охирги учрашувимиз бўлиши эҳтимол эканлигини иккаламиз ҳам сезиб турдик.

Орадан икки кун ўтгач, кечаси эшик ва деразалар каттик тақиллай берганлиги бу етим қолган болаларни уйготиб юборди. Бир группа эркаклар уйга ёпирилиб кириб, биз партизанлармиз, бизга яшириниадиган жой топиб берингилар, овқат берингилар, сўнгра бизга партизанлар отрядига борадиган йўлни кўрсатиб қўйингилар, дейишди. Мирушка бу одамлар партизан эмаслигини сезиб қолди. Аммо уларга уйидан жой ва овқат берди, тонг отиши билан эса полициягa хабар қилди.

Шу туфайли болалар ҳалокатдан қутулиб қолишди, полициянинг уларга нисбатан шубҳаси ҳам йўқолди.

— Эрнигиа қаерда ҳалок бўлди? — деб сўрадим мен Аннадан.

— 1945 йил 30 мартда тоғат қилиб бўлмайдиган қийноқ катижасида Терезинда ҳалок бўлди. Мен ҳам Терезинда эдим. Ҳозир мен бутун дунёдаги хотинлар ва оналар каби, энди сира уруш бўлмасин, деб кеча-ю кундуз ният қиламан. Тинчлик бўлса, омонлик ҳам бўлади, ҳамма ҳам бахтиёр бўлади.

— Ўзингиз ёрдам берган совет кишилари билан алоқа қилиб турасизми?

Нуроний кампир ҳа, дегандек бошини силкитади: «Бир-биримизга муттасил хат ёзишиб турибмиз. Бир-биримизга қариндош-уруғлардан ҳам кўра қадрдон бўлиб қолганмиз-ку. Ўтган йил Павел Моряков бу ерга келиб кетди. Энди ёзда биз Григорий Мельникникига меҳмонга бормоқчимиз. Ниятим шуки, бизнинг дўстлигимиз, болаларимиз ва болаларимизнинг болалари ўртасидаги дўстлик авлоддан-авлодга ўтиб давом эта берсин, дейман. Оилаларимизни бир-бири билан боғлаб турган воситалар жуда кўп-ку. Халқларимизни бир-бирига боғлайдиган воситалар эса бундан ҳам кўп.

Татьяна МАРТИНОВА,
ТАСС мухбири.

ПРАГА

ЧЕХОСЛОВАКИЯ СОЦИАЛИСТИК РЕСПУБЛИКАСИ



Тисса ёнидаги Черна темир йўл станцияси йирик транспорт пунктларидан бири ҳисобланади. Бу станция орқали Совет Иттифоқидан Чехословакияга ва Чехословакия Социалистик Республикасидан Совет Иттифоқига юк ташилади. Ҳар иккала қардош мамлакат бир-бирига саноат ускуналари, нефть, истеъмол моллари етказиб бермоқда.



Шимоли-ғарбий Чехиядаги қўнғир кўмир ҳавзаларида 5300 минг киловатт қувватга эга бўлган 7 та электр станциядан иборат иссиқлик энергетикаси комплекси барпо этилмоқда. Суратда: «Почеради» ТЭЦи қурилишида.

ЧТК—ТАСС фотолари.

ЖАҲОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ БОШ КЕНГАШИНИНГ XVI СЕССИЯСИДА

СОФИЯ. (ТАСС). Жаҳон касаба союзлари федерацияси бош кенгаши XVI сессиясининг бугун эрталабки мажлисида федерация бош секретари Луи Сайян Жаҳон касаба союзлари федерацияси Уставига ўзгартишлар киритувчи комиссиянинг иши тўғрисида доклад қилди. Унинг докладидан сўнг Хитой вакили сўз олиб Уставни бутунлай ўзгартиришни, аслини олганда уни тугатишни талаб қилди. У, Совет касаба союзлари шаънига ўзининг одатдаги тухматларини такрорлай бошлагач, раислик қилувчи Г. Варинке уни сўздан маҳрум қилди. Бироқ, Хитой вакили минбардан тушмай, микрофонлар ўчириб қўйилганлигига қарамай, гапини давом эттираверди. Шундан сўнг узоқ танаффус эълон қилинди. Танаффусдан кейин раислик қилувчи Луи Сайянга сўз берди.

Луи Сайян ахборот бериб айтдики, Жаҳон касаба союзлари федерацияси бош кенгаши президиумининг аъзолари Хитой вакиллиридан сессия ишида нормал қатнашишни талаб қилиб, улар билан музокаралар олиб боришга уриниб кўрдилар. Бироқ, Хитой вакиллари, биз хоҳлаган ишимизни қилаверамиз, дейишди. Уларнинг ваколатлари текширилганида Хитой делегатларидан фақат биттасигина бош кенгаш аъзосининг ўринбосари эканлиги, қолганлари эса бош кенгаш рўйхатида бутунлай йўқ эканлиги маълум бўлди.

Президиум номидан Луи Сайян Хитой вакилларининг бундан буён сессия ишида қатнашувига йўл қўйилмасин, деб таклиф қилди.

Албания вакилари бу таклифни ўтказмасликка уриниб, шовқин-сурон қилдилар.

Уругвай делегати Хитой вакилларига кескин жавоб берди. Биз, деди у, Совет Иттифоқи ва Жаҳон касаба союзлари федерацияси шаънига ҳақоратлар қилинишига йўл қўймаймиз. У, бош кенгаш президиумининг таклифини қўллаб-қувватлади.

Чехословакия, Монголия Халқ Республикаси, Италия, Ҳиндистон вакиллари ҳам бу таклифни қувватлаб гапирдилар. Баъзи делегациялар бу таклифга қарши чиқдилар.

Бу масала муҳокама қилингач, овозга қўйилди. Делегацияларнинг катта кўпчилиги бош кенгаш президиуми таклифини ёқлаб овоз берди.

ТХУЗАУМОТ ВИЛОЯТИ ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам Информация агентлиги Озодлик агентлигининг хабарига асосланиб қуйидагиларни билдирди: Жанубий Вьетнам Озодлик армиясининг жангчилари ноябрь ойининг дастлабки 20 куни мобайнида Тхузаумот вилоятида американлик агрессорлар ва қўғирчоқ қўшинларга қарши олиб борилган жангларда душманнинг 542 солдат ва офицерини, шу жумладан, Америкининг 336 ҳарбий хизматчисини сафдан чиқардилар.

ВИЛЬСОННИНГ АЙТГАНЛАРИ

ЛОНДОН. (ТАСС). Бош министр Вильсон кеча умум палатасида саволларга жавоб қайтариб бундай деди: кейинги маълумотлар «далда берувчи» маълумотлардир ва менинг фикримча, ҳукумат томонидан кўрилаётган тадбирлар мамлакатнинг бу йил ижобий тўлов балансига эришуви учун йўл очиб беради.

Вильсон айтдики, кейинги 12 ой ичида Англия экспорти қиймати жиҳатидан ўтган 12 ойдагига нисбатан 7,3 процент ортди, ваҳоланки шу давр ичида импорт атиги 5,3 процент кўпайди.

ЧЕТ ЭЛ ЮМОРЛАРИ

Руди Штраль (ГДР)

КЕЧИРИМ СЎРАЙМАН

«Ойленшпигель»нинг мамлакат терма футбол командасининг тренери Гейнц Крюгель жаноб олийлари билан суҳбати

Ойленшпигель: Шундай қилиб болаларингизнинг аҳволи қалай?

Гейнц Крюгель: Эътиборингиз учун раҳмат. Улар ҳар ҳолда бизни умидвор қилмоқдалар.

Ойленшпигель: Улар анчадан бери умидвор қилиб келишяпти. Лекин, бу деган гап уларнинг ҳозирги ўртача ўйин натижаларидан хотиржам бўлавериш мумкин, деган хулосага олиб келмаса керак.

Гейнц Крюгель: Нега энди бунча ишончсизлик билан гапирасиз... Биз ўз ишимизда фаннинг энг янги ютуқларига тўла амал қилганлигимиз учун ҳам, тайёрланиш борасида умумевропа даражасига аллақачонлар етиб олганмиз деб дадил айта оламиз.

Ойленшпигель: Биз буни амалда сезаётганимиз йўқ. Кўпгина газетхонларимизнинг фикрича йигитларингиз оддий карра жадвалини ҳам мукаммал ўзлаштириб олишмаган эмиш-ку?

Гейнц Крюгель: Сиз энди йигитларимиздан ҳаддан ташқари кўп нарсани талаб қиляпсиз-да. Сабр қилинг орадан бир-икки йил ўтсин, кейин...

Ойленшпигель: Бир-икки йил бўлса, яхши гап-а.

Гейнц Крюгель: Шошганга лаббай топилмас деганларидай, шошилиш билан узоққа бориб бўлмайди. Бундай ёш ва нозик ниҳоллар ниҳоятда мулойим муомаланн талаб этади.

Ойленшпигель: Нозик ниҳоллар?

Гейнц Крюгель: Уларнинг баъзилари ҳали ҳақиқий гунчалар. Шунинг учун уларга етарли эҳтиёткорлик билан ёндошиш керак. Бу бирдан-бир ягона принцип. Улар билан муомала қилиш пайтида ана шунга амал қиламан.

Ойленшпигель: Жуда соз! Шогирдларингизнинг хулқи-атвори қалай?

Гейнц Крюгель: Ҳаддан ташқари яхши. Улардан бирортаси ҳам соат кеч саккиз бўлмасдан ухлашмайди.

Ойленшпигель: Шунга ишончингиз комилми?

Гейнц Крюгель: Мутлақо.

Ойленшпигель: Демак, улардан баъзиларинн ичкиликка берилган дейишлари нотўғри экан-да. Чекиш ҳақида-ку гапирмаёқ қўяқолай.

Гейнц Крюгель: Бу ҳақиқатга мутлақо тўғри келмайдиган гап. Агар ўшанақа узунқулоқ миш-мишлар тарқалган бўлса, у қизиқиш туҳмат.

Ойленшпигель: Биз сизга ишонамиз, жаноб Крюгель. Келгуси йили уларнинг ҳаммаси ҳам юқори классга ўтади, деб ишонса бўладими?

Гейнц Крюгель: Албатта. Ҳаммаси ҳам кўчирилади.

Ойленшпигель: Кечирасиз. Кўчирилади деганингиз нима дегани? Наҳотки мен адашган бўлсам, сиз мамлакат терма командасининг тренери эмассиз?

Гейнц Крюгель: Йўқ, йўқ! Мен 137-бошлангич мактабнинг ўқитувчисиман...

Ойленшпигель: Кечирим сўрайман. Назаримда телефон номерида янглишганга ўхшайман.

Русчадан Т. ЎНАБОЕВ таржимаси.

1966 йил 20 декабрь кундуз соат 2 да, В. И. Ленин номли Тошкент Давлат университети ҳузуридаги педагогика фанлари юзасидан илмий даражалар берувчи бирлашган илмий совет мажлисида (Тарас Шевченко кўчаси, 20-уй) педагогика фанлари номзоди деган илмий даражани олиш учун

ДИССЕРТАЦИЯ ЕҚЛАЙДИЛАР:

Н. Аҳмедов: «Ўқувчилар нутқида диалектик хатолар ва уларни бартараф қилиш методи (Андижон шевасининг фонетик-морфологик хусусияти асосида)» деган темада.

Ф. П. Репа: «Ўқувчиларда снёсий инглизларнинг шаклланиши (жамиятшунослик фани материали асосида)» деган темада.

Диссертациялар билан университет кутубхонасида танишиш мумкин (Куйбишев кўчаси, 10-уй).

Редактор М. ҚОРИЕВ.

Бизнинг адрес ва телефонлар — СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ТОШКЕНТ, «ПРАВДА ВОСТОКА» КЎЧАСИ № 26. Редактор — В36545, Редактор ўринбосарлари — В37914, В39323, Масъул секретарь — В34455, Масъул секретарь ўринбосарлари — В37283. Партия турмуши—В33469, В37221, Марксизм-ленинизм назариясини пропаганда қилиш, халқаро ҳаёт — В31216. Коммунистик тарбия — В31455, Саноат, капитал қурилиш ва транспорт — В34780, Совет қурилиши — В33358, Қишлоқ хўжалик—В37604, Адабиёт ва санъат — В32036, В37221, Фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — В34451, Маҳаллий ахборот — В32347, Оммавий ишлар ва хатлар — В39005, В33553, Иллюстрация — В34524, Стенографистка — В37343, Корректура — В37163, Эълонлар — В38142, Коммутатор — В30249, В30250, В30251, В30252, В30253, В30254, В30255, В30256, В30257, В30258.

№ 282. ИНДЕКС 64543. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри. Р. 08987.